



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 8-mart, juma № 20 (8565)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шуқхли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилаklarимни билдириш-ин бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмун ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўра-миз, аёл зотини Яратганинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

(Давоми 2-бетда.)

Қадрли опа-сингиллар! Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, хурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-этибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзгорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.



ЎЗА сурати.

ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ФАОЛ

«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.

«Туркистон» саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндорлари, сенаторлар, депу-

татлар, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақлиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдо-нида бўлиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гротсмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президенти совғаси топширилди.

(Давоми 2-бетда.)

БОЛАНИНГ ОРЗУСИ

Катта бўлсам, ойм айтгандай ҳамма ҳавас қиладиган одам бўлишни хоҳлайман. Ушанда ойм жудаям хурсанд бўлади!

7-бет

«БУ БОҒЛАРГА ХАЗОН КИРМАГАЙ ҲАРГИЗ»

...Ўзбекнинг ўзлиги, ўзак томирлари бор. Қайси булоқдан сув ичсам экан? дея тамшаниб яшамайди у. Илди-ларидан япроқларигача қувват улашиб тургучи сирли чашмалари бор.

9-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2013 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига мамлакатимизда амалга оширилаётган либерал ислохотларни янада чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш билан боғлиқ масалалар киритилди.

Чунки, депутатлар парламент куйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Депутатлар шуни таъкидладиларки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил таъбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини яратишга, давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли баҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Соғлом она — соғлом бола" сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани аңглатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харajatларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқ-

дорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзгор юмушларини енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажминини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келадиган чўқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотиға, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжихатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга тазйим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлиши 8 март байрами билан самимий табриқлайман.

Умрингиз узок, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин! Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барока аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўйбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятини янада ошириш, уларнинг таълими олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шарт-шароит яратиш борасидаги ишларни тақомиллаштиришда муҳим омил бўлаёт-

ри. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса,

ўсмир қизлар саломатлиги-га эътиборни кучайтириш, тугрук ёшидаги аёлларни иртиқсозлаштирилган тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораста қизлар» тўғрақларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдига ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиги ҳақида алоҳида гамжўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адаби-

ёт йўналишида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган иқтидор қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини рўйбга чиқаришда қанот бўлмоқда. Йиғилишда жорий йилда Президентимиз қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Қизлари доимий меҳр-ардоқда, эъзода бўлган, беғубор орзу-интилишларига қанот бағишлаган шу муқаддас Ватанда туғилиб, вояга етганимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. — Юртбошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аяло ўқиб, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва гамжўрлиги учун давлатимиз раҳба-

рига миннатдорлик билдирди. Зулфияноним издошлари сафига қўшилган қизлар — Бухоро Давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинқўл Агро-иқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг "Мушоира" шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюммаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзолаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриқлади.

Сарой фойесида миллий хунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собирова, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болаликдан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда.

Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйнашни кўнгил билан ўрганди. 2002 йилда ўн икки ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатиغا йўлланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурадиғи ушбу турнирда катнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келадиган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Кўпбал халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда Йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзи Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Хамроқуллова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган "Тошкент опен" халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида ғолиб бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гротсмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гротсмейстер унвонини қўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислом Каримов совфаси — замонавий компьютер билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.

— Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларимиз эришаётган мамлакат ва халқаро миқёсдаги юксак натижалар истиқлолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибор ва гамжўрлиги туфайлидир, — дейди халқаро гротсмейстер Н.Мўминова. — Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бaxт менга ҳам nasib etganidan juda xursandman. Юртбошимиз Рустам Қосимжоновга ҳам замонавий компьютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш — mening ham oliy maqsadim. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар қамолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши ва амалга оширила бошлаши бу соҳада олиб борилаётган кенг қўламдаги ишларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтарди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари олдида қонунчилик жараёнини янада демократлаштириш, ўтказилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун парламентдаги сиёсий партияларни фаоллаштириш, уларнинг роли ва масъулиятини ошириш, бу жараёнда аҳоли турли гуруҳлари ва қатламларининг манфаатлари ҳамда орзу-умидларини ҳисобга олиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Сиёсий партиялар ўз устаси ва дастурий вазифаларини янада фаолроқ бажаришлари, қонунларни қабул қилиш ва амалга ошириш, парламент назорати механизмларидан фойдаланиш орқали ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим.

Айнан шу мақсадда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш механизмини жиҳдий ўзгартирадиган тартиб белгиламоқда, мазкур тартибга мувофиқ қонун лойиҳаси айни бир вақтнинг ўзида ва бир муддатда ҳам сиёсий партиялар фракцияларида (депутатлар гуруҳларида), ҳам масъул қўмитада кўриб чиқилади. Энди масъул қўмита сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини ҳисобга олмастан туриб қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқаришга ҳақли эмас. Ушбу норма сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида қонун лойиҳасини маромига етказиш ишларида фаол қатнашиш ҳуқуқини кенгайтиради, уларга қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш босқичидаёқ ўз сиёсий партияларининг дастурий мақсадлари, электорат манфаатларидан

келиб чиққан ҳолда ўз аниқ нуқтаи назарини билдириш, қонун лойиҳасининг у ёки бу қоидаларига доир ўз фикрини ҳимоя қилиш имкониятини яратади.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш жараёнида масъул қўмита вакили сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини мажбурий тартибда депутатларга етказиш белгиланган кўйилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида Киритилган қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тuzилиши назарда тутилган. Мазкур гуруҳ келиб тушган қонун лойиҳаларини рўйхатга (ҳисобга) олади ва ушбу қонун ҳужжатларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб боради. Белгилаб қўйилган тартиб-таомилларга риоя этиш, қонун лойиҳаси устида ишлашга экспертлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти вакилларини жалб этиш ҳамда Регламентга амал қилиниши масалаларини эътиборга олади. Шунингдек, қонун лойиҳасида келиб тушган қонун лойиҳаларини тақсимлашнинг янада демократик, очиқ тартибини йўлга қўйиш таклиф этилмоқда, бу тартибга мувофиқ Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз йиғилишида қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган қўмитани коллегиял равишда белгилайди.

Умуман олганда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ жараёни демократлаштиришни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Аммо бу

ўзгартишлардан кўзда тутилган асосий мақсад – парламентнинг қуйи палатаси кўппартиялик асосида шаклланишини ҳамда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, аввало, парламент фаолияти доирасида амалга оширишини эътиборга олиб, сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда парламентдаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этиб, кўриб чиқилаётган ҳужжат юзасидан ўз қатъий нуқтаи назарларини билдирдилар.

Муҳокама ақунларига кўра қуйи палата «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлис кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли бандлиги жараёнида таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятларини, устуворликларини, истиқболларини, шунингдек, халқроқ стандартлар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида мақбул иш билан таъминлашга, аҳоли бандлигини ҳисобга олишни йўлга қўйишга, янги иш ўринлари ташкил этишга ва аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли ҳудудий дастурлари бажарилиши устидан мониторинг ўтказишга қаратилган қўшимча нормалар киритилган.

«Ўзбекистон Республикасининг

Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида товарларни электрон тарзда декларация қилиш тизимини, шунингдек, товарлар божхона ҳудудига амалда кириб келгунга қадар божхона органларига олдиндан декларация бериш йўли билан уларни декларация қилиш механизминини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

Қонунчилик палатаси юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллади ва депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун ҳужжатларини биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмиталарга ҳужжатларни навбатдаги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу қонун ҳужжатида ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тартибини аниқроқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Депутатлар кўриб чиқилган қонунлар мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентнинг қуйи палатасидаги қонун ижодкорлиги ишларини оптималлаштириш учун муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати**

ШИЖОАТ СЎНМАСИН ЮРАКДА

Tadbir

Маълумки, Президентимизнинг фармонида биноан 2000 йилдан буён 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли, ибратли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги муваффақиятлари, жамоат ишларидаги фаоллиги учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти бериб келинмоқда. Ушбу тадбирнинг айнан баҳорнинг илк кунлари, нафосат ва гўзаллик байрами — 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni арафасида ўтказилишида ҳам ўзгача шуқуқ мусажасам.

Низомга мувофиқ бу гал ҳам Зулфияхоним издошларини саралаш танловининг туман ва шаҳар босқичлари 2012 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида, ноябрь ойида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи, жорий йилнинг январиди, республика босқичи бўлиб ўтди.

Шуниси эътиборлики, мазкур танловда 11.198 нафар номзоднинг тақдим этган ҳужжатлари ҳудудий комиссиялар томонидан ўрганиб чиқилди ва нийҳоят 5 йўналиш бўйича уч юз нафарга яқин даъвогарларнинг ишлари республика комиссиясига тақдим этилди. Алоҳида эътироф этмоқ жоизки,

ҳозиргача Ватанимизнинг ушбу юксак мукофоти соҳибаси бўлган қизларимиз 196 нафарга етган бўлса, уларнинг кўпчилиги бугун мамлакатимиздаги турли вазирилик ва идораларда, таълим, тиббиёт муассасалари ва бошқа ташкилотларда самарали меҳнат қилмоқда. Зулфияхоним қизлари орасида Президент стипендияси, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино номидаги стипендиялар соҳибалари, спорт турлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари бор.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир бу йил ушбу нуфузли муко-

фотга сазовор бўлган ўн тўрт нафар қизлар иштирокида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Қаюмов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайиди ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти

фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган фаол ва изланувчан қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги совриндорлари юксак ишончи учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

О. МУРОДУЛЛАЕВА

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Бухорода Обод турмуш йили ва Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган "Аёл — жамият барқарорлиги, тотувлиги ва ҳамжихатлиги кафолати" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоятда 80дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечириётгани, юрт равнақи ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётгани, хотин-қизларга жамиятда муносиб ўрин топишлари учун зарур шароитлар яратилгани самарасида барча соҳаларда уларнинг фаоллиги ошиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида ташкил этилган "Ўзбекистон — ягона аҳил оила", "Дунё ва аёл" мавзуларидаги фотосуратлар ва расмлар кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда, шунингдек, ўзбек миллий кўшиқ ва лапарлари, ёш иқтидорли дизайнерлар ижодига мансуб миллий либослар намойиш этилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари қошидаги ҳаваскорлик дасталари ижросида куй-қўшиқлар янгради.

❖ Термиз шаҳрида "Оилавий корхона — мустақам оила пойдевори" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, депутатлар, тадбиркорлар ва оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларида фаолиятимни яқка тартибдаги тадбиркорликдан бошлаганман, — дейди Узун туманидаги "Меҳрож" улгуржи-сағдо корхонаси раҳбари Шукур Курбонов. — Мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Оилавий тадбиркорлар учун солиқ тўловлари ва бошқа соҳаларда қатор имтиёзлар берилган.

Тадбир доирасида тадбиркорлар ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

❖ Жиззахда Наврўз байрамига бағишланган "Баҳор тароналари" вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу йилги кўрик-танловда барча туманлардан 300 нафарга яқин ёш истеъдод соҳиблари иштирок этди.

Тўрт йўналиш бўйича ўтказилган танловда бадий жамоалар ва ҳаваскор ижрочиларнинг чиқишларидаги оҳангдорлик ва жозиба, соз ва овоз уйғунлиги ҳамда саҳна маданияти ҳайрат аъзолари томонидан қатъий мезонлар асосида баҳоланди.

Яқунда "Энг яхши ўлан" ва "Наврўз қаҳидаги энг яхши кўшиқ" йўналишлари бўйича Пахтакор тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги бадий жамоа вакиллари биринчи ўринга лойиқ топилди. "Энг яхши эстрада ижрочилиги" йўналиши бўйича биринчи ўрин Бахмал тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ходими Баҳодир Мўминовга насиб этди. Жиззах туманининг «Зебохон» фольклор-этнографик жамоаси "Энг яхши фольклор жамоа" йўналишида голибликни қўлга киритди.

❖ Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Баҳор таровати" мавзусида кўргазма очилди.

Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мамлакатимиз мўйқалам соҳибаларининг янги асарлари кўргазмасини намойиш этиш янги анъанага айланган.

Кўргазмада Татьяна Ли, Искра ва Светлана Шин, Людмила ва Диана Содикованинг бой ҳамда ёрқин рангларда ишланган асарлари намойиш этилмоқда. Камалиддин Беход номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда Республика рассомчилик коллежи битирувчилари Сарвиноз Қосимова, Гүлчехра Саидова, Юлия Кан каби ёшлар ҳам мазкур анъанавий кўргазмада фаол иштирок этмоқда.

Рассомларнинг кўргазмага қўйилган барча ишлари баҳор, аёллар, гўзаллик ва ёшлик мавзуларига бағишланган. Шу боисдан бўлса керак, кўргазма залига кирган ҳар бир киши қалбида эзгу ишонч ва умид туйғулари, баҳор кайфияти уйғонади.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Илмий-амалий семинар

Самарқанд давлат университетиде "Чет тили таълимида узлуксизлик ва мутахассислар тайёрлаш" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси, Самарқанд давлат чет тиллар институти, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва замонавий материаллар билан таъмин-

лаш вазифалари хусусида фикр-мулоҳаза билдирди-лар.

Семинар давомида «Чет тилини ўрганиш — дунёни билиш», «Тил ўрганишнинг коммуникатив методларидан фойдаланиш», «Чет тили таълимида хоризх тажрибаси» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ҳақим Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги

Тошкент молия институти қошидаги академик лицейда ота-оналар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ота-оналар, маҳалла фаоллари, устоз-мураббийлар қатнашишди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар таълим тизимини олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишида амалга оширилаётган ишлар моҳияти тўғрисида атрофлича фикр юришди. Шунингдек, ўқувчиларнинг давоми ва фанлардан ўзлаштириш масалалари ҳам чуқур таҳлил қилинди.

— Оила, таълим муассасаси ва маҳалла

ҳамкорлиги доирасидаги фаолиятимизни янада ривожлантириш хусусида фикрлашиб олдик, — дейди ота-оналардан бири Барно Пўлатова. — Ёшларнинг турли ёт ғояларга чалғимаслиги, дарсларга мунтазам равишда қатнашишини таъминлаш, бўш вақтини самарали ўтказиш борасида қатор таклифлар қўллаб-қувватланди. Лицейдаги фан тўғарақлари қаторига "Инглиз тилида гаплашамиз" тўғараги қўшилгани фарзандларимизнинг яхши таълим олиши учун яратилган яна бир имконият бўлди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Устозлар қутланди

Юнусобод туманидаги 414-мактабга-ча таълим муассасасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан ўтказилган «Онажонларга таъзим» тадбири аввалида тарбияланувчи ўғил-қизлар тарбиячиларга олқишлар остида гуллар совға қилдилар.

Тадбир кўтаринки кайфиятда давом этди. Болалар шўх-шўх куй-қўшиқларга рақс тушиб, бир-бирдан чиройли шеърларни ёд айтдилар.

— Бундай кўтаринки руҳдаги байрам кечалари болажонлар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади, — дейди тарбиячи Дилором Қодирова. — Ана шундай тадбирлар орқали кичкинтойлар онгига миллий қадриятлар, обод турмуш ва оила анъаналарини сингдириб борамиз.

Ноила МАРУПОВА



Тажрибалар муҳокама марказида

Пойтахтимиздаги 234-мактабда «Ўрган-ўргат» тадбирлар мажмуаси доирасида эстетик йўналишдаги фанлар ўқитувчиларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.



Семинарда Олмазор туманидаги барча мактаблардан меҳнат таълими, мусика, жисмоний тарбия ва тасвирий санъат фанлари ўқитувчилари, методистлар иштирок этиб, очик дарсларни кузатишди. Малакали ўқитувчилар томонидан замонавий педагогик технологиялар, мультимедиа воситалари ёрдамида ўтилган дарслар ёш мутахассислар учун фойдали бўлди. Семинар якунида дарслар атрофлича таҳлил этилиб, илгор тажрибаларни оммалаштириш юзаси-

дан тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Ёшларни миллий хунармандчиликка қизиқтириш ва маълум касб-хунарга йўналтиришда меҳнат таълими фанининг ўрни катта, — дейди 278-мактаб ўқитувчиси Маҳмуда Азларова. — 234-мактаб ўқитувчиси Саида Ортиқованинг «Дўппи тикиш» мавзусида ўтган дарси менда катта қизиқиш уйғотди. У слайд орқали дўппидўзлик тарихи, турлари ҳақида қизиқarli маълумотлар бериб, ўқувчилар диққатини жалб эта олди.

Ғолиб БАҲРОМОВ

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

Адиб билан учрашув

Таълим муассасаларида маънавият кунлари ўтказилиб, ёшларнинг маънавий олами бойитиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Зангиота туманидаги 78-мактабда бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев иштирок этди.

— Бугунги тадбир маънавият, шарқона одоб-ахлоқ, юртга садоқат, фидойилик мавзуларига бағишлангани билан аҳамиятлидир, — дейди мактаб директори Рустам

Ҳикматов. — Болаларнинг сеvimли ёзувчиси айтган фикрлар ва совға қилинган бадий адабиётлар ўқувчиларнинг китобга меҳрини янада оширди.

Тадбирда Худойберди Тўхтабоев «Пешонасига телевизор ёпишган бола» китоби ва унда келтирилган тарбиявий масалалар ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, мактаб ҳаёти билан танишиб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

— Аввало, қабул жараёнининг шакллантирилиши ҳақида гап-риб ўтсангиз. Вилоятда меҳнат бозори эҳтиёжи ва касб-хунар таълими йўналишларининг ўзаро мутаносиблиги қандай таъминланмоқда? Негаки, бу борадаги ишнинг тўғри ташкил этилиши келгусида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда юзага келадиган қатор муаммоларнинг олдини олади. Шундай эмасми?

— Албатта. Қачонки ҳар икки жиҳат мубофиқ келсагина, қутулган натижага эришиш имконияти кенгайди. Бозор қонуниятига асосан, талаб тақлифни

ташаббўрликни ўз қўлларига олмақда. Келгусида қанча кичик кадрга эҳтиёж бор, уларнинг билим, малака ва кўникмаси қай даражада бўлиши керак, яна қайси йўналишларда мутахассис тайёрлаш мумкин каби масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва тақлифларини билдиришиб, ўқув-амалий машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган ўқув-лаборатория ва методик-кўргазмавий жиҳозлар билан кўмаклашишмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги томонидан соҳадаги муаммоларни тизимли ҳал қилиш ва бу борада олиб борилаётган ишларни янги bosqichga кўтаришга

нес лойиҳа" танловларини ўтказиш йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш ва жалб қилиш ҳам бандликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида "Тадбиркорлик мактаблари" ташкил қилиниб, банк, молия, солиқ ва савдо-саноат палатаси мутахассислари томонидан амалий машғулотлар ўтказиб борилади. Бунинг натижасида ўз бизнесини йўлга қўйган битирувчиларнинг сони аввалги йилларга нисбатан анча орт-

Jarayon

Қарма томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бошқарма томонидан ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг дарслари таҳлил қилиниб, уларнинг фаолияти самарадорлиги доимий равишда ўрганиб борилаётган. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, жорий ўқув йили бошидан педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарини танлов асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар орасида ўз соҳаси бўйича билим ва педагогик маҳоратини ошириш йўлида изланишлар янада жонлангани кузатувлар, таҳлиллар жараёнида сезилмоқда. Уларнинг дарс бериш усуллари бойиб, хилма-хиллиги ортиб бораётган.

Ўқитувчиларимизда таълим жараёнида илгор педагогик ("Case study", лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, "Амалий ўйин" каби интерфаол таълим услуби

ва бошқалар) ва ахборот-коммуникация технологиялар, электрон таълим ресурслари ҳамда мультимедиа тақдиротларидан эркин фойдаланиш кўникмасини шакллантиришда шу мақсадда ташкил этилган ўқув семинар-тренингларнинг ҳам ҳиссаси катта. Республика миқёсида каскад усулида ўтказилган ана шундай семинар-тренингларда вилоятимизнинг 11 171 нафар ўқитувчиси ўз билим ва малакаларини оширди.


Бундан ташқари, раҳбар ва педагог ходимлар, ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш, маънавиятини янада юксалтириш, инглиз тилида эркин сўзлаша олиш қобилиятини шакллантириш мақсадида бошқармаимиз томонидан 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб фанлар бўйича туманлардаги таянч коллежларда ва Самарқанд шаҳридаги академик лицейларда, махсус фанлар ўқитувчилари учун Самарқанд шаҳридаги таянч коллежларда узлуксиз малака ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу ўқув машғулоти учун ҳафта кунлари тақсимланиб, жумладан, душанба — педагогик маҳоратини ошириш, сешанба — касбий маҳоратини ошириш, чоршанба — АКТдан фойдаланиш маҳоратини ошириш, пайшанба — инглиз тилида мулоқот маҳоратини ошириш, жума — маънавий-маърифий тайёргарлик, шанба — мустакил тайёргарлик кунлари этиб белгиланди. Ҳар ойнинг 1, 2, 3-ҳафта чоршанба кuni эса директорларнинг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар, ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосарлари семинари ўтказилди.

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталари захирасини бойитиб бориш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Бинобарин, пойтахт ва ҳудудимиздаги олий ўқув юрталари билан муस्ताҳкам алоқа ўрнатилиб, ҳамкорлик доирасида битирувчи талабаларнинг академик лицей ҳамда касб-хунар коллежиде амалиёт ўташи ва келгусида ўша ерда ишга қолишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2012-2013 ўқув йилида тизимга 618 нафар олий таълим муассасалари битирувчилари ишга қабул қилинди. Ёш мутахассисларнинг касб-хунар коллеж аудиториясига мослашувини жадаллаштириш учун юқори тажрибага эга, малакали педагог ходимларга шогирд сифатида бириктирилиб, билим, малака ва кўникмаларини ошириб боришга кўмаклашилмоқда.

Ҳаким Жўраев,
Аброр Умарқулов
сўхбатлашди

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — БОШ МЕЗОН

Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жорий этилган касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан. Жумладан, ҳар йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тасдиқланаётган, унда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис жойларда бу борада ўзига хос тажрибалар юзага келяпти. Хусусан, мазкур масалага Самарқанд вилоятидаги ўзига хос ёндашуви билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродулло Холмуҳаммедовга бир қатор саволлар билан мурожаат қилдик.



алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси уларок, ижобий тажриба сифатида янги механизм амалиётга жорий қилиниб, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касбига мубофиқ ишга жойлаштириш бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Унга қўра, вилоят ҳамда ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида махсус штаблар ташкил этилди. Мазкур штаблар ўқувчиларнинг амалиёт ўташи ва кейинчалик иш билан таъминланиши устидан назорат ва мониторинг олиб боради. Ўтган йилдан бошлаб вилоят марказида доимий фаолият кўрсатувчи меҳнат ярмаркаси ўз ишини бoshлади. Бу сўнги bosqich ўқувчиларининг иш ўринлари, ишлаб чиқариш корхоналари, зарурий иختisosliklar борасида кенгроқ маълумотга эга бўлишини таъминламоқда. Айниқса, иш берувчиларга битирувчи ёшларнинг бугунги кундаги касб маҳоратини кўрсатиш орқали ишга қабул қилиш бўйича амалий ишларни жонлантириш мақсадида 17та йўналиш бўйича корхона ва ташкилотларда "Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши биз-

ди. Уларнинг беш юзга яқин турли банкларнинг имтиёзли кредитини қўлга киритган бўлса, етти юздан ортиғи оила бюджети ҳисобидан ўз бизнесини йўлга қўйди. Яна бир муҳим жиҳат. Тармоқ саноат корхоналари ўзиде амалиёт ўтаган битирувчиларни иш билан таъминлай олмаган тақдирда, уларга ўз тадбиркорлик ишини бошлаши учун тижорат банкларидан оладиган имтиёзли кредитнинг кафилигини бериш тажрибаси жорий этилди. Масалан, "Каттақўрғон ёғ-мой" масъулияти чекланган жамияти Пайарқўт қишлоқ ҳўжалиғи касб-хунар коллежининг 5 нафар битирувчиси банкдан олган 20 млн. сўмлик имтиёзли кредитни кафолатлади.

— Айни кунда касб-хунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, педагогларнинг малакасини ошириш, ўқитувчиларнинг таълим жараёнида илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши каби масалалар ҳам долзарб. Бу борада бош-

ишга жойлаштиришда кийинчиликлар юзага келиши аниқ. Шу мақсадда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари мубофиқлаштирувчи кенгашлари билан ҳамкорликда ҳар бир шаҳар ва туманнинг айрича хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий тармоқлар ривожланиши ҳамда меҳнат бозори доимий ўрганилиб, таҳлил қилиб борилади. Бунинг натижасида ҳар янги ўқув йилида маълум йўналишларга қабул камайтирилади, баъзиларига бутунлай тўхтатилади. Улар ўрнига талаб юқори бўлган янги мутахассисликлар очилади. Мисол учун, 2012-2013 ўқув йилини олайлик: беш тумандаги касб-хунар коллежларида тайёрланаётган архившунос ва иш юритувчи, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш техниги, бухгалтерия ҳисоби, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ёқилғи қуйиш шахобчаларига сервис хизмати кўрсатиш техниги ҳамда молиячи каби бир қанча касблар бўйича кичик мутахассис тайёрлаш тўхтатилди. Янги ўқув йилидан эса улар ўрнига зоотехник, фермер ҳўжалигини бошқариш ва юритиш, агрономия, амалий санъат каби йўналишларга 9-синф битирувчилари қабул қилинди. Айниқса, чекка ҳудудлардаги қизларни касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олишга, уларнинг ўзлари танлаган касбларни эгаллашига жиддий эътибор қаратилди. Ҳозир улар пиллачилик, бадийий гилам ва гобеленларни ишлаб чиқариш уста-рассоми, зардўзлик бўйича уста, пахтага бирламчи ишлаб бериш техник-технолог, кенг асортиментдаги кийимлар моделёр-конструктори, тикувчилик ишлаб чиқариш техник-технолог, сартарошлик санъати ва декоратив косметика, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси, метеоролог, фотограф каби ўндан ортиқ касб ва хунарларни эгаллашмоқда.

Айни пайтда 2013-2014 ўқув йилига ҳам тайёргарлик кўраямиз, янги режалар устида ишлаяпмиз. Масалан, ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида кулолчилик ва кошкорликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масаласи долзарб вазифа ҳисобланади. Шунинг хисобига олиб, чинни ва кулолчилик маҳсулотлари уста-рассоми, курилиш-пардозлаш ишлари устаси каби кичик мутахассислар тайёрлаш тақлифини Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига тақдим этиш кўзда тутилмоқда.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида вилоятнинг ўзига хос тажрибаси нимада кўринади?

— Энг аввало, бу борадаги ишлар ҳамкорликда олиб борилаётгани эътиборлидир. Ҳозир шундай жараён юзага келдики, эндиликда буортмчилар

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ

унинг мактабгача таълимда
тутган ўрни беқиёс

Алла оҳангидан гўдак ором олади, сеҳрланади, меҳрланади. Умидбахш ниятларга лиммо-лим аллалар эшитиб вояга етаётган бола ботини ҳам шу истакларга ҳамоҳанг шаклланади. Бешик боласидан эшик боласига айланган, онасининг аллаларини боғчадаги уйку пайтида ҳам хумор қиладиган ўғил-қизлар қалби мусиқага ошно тутинади. Бешқарсакка жўр бўлиб айтиладиган кўшиқлар, ҳаракатли ўйинларга бой лапарлар, мураббий бирор чолғуда чалган куйлар болаликнинг энг ёрқин дамлари бўлиб хотирада муҳрланади...

Кўп кузатганмиз, боғчадаги турли машғулотларда барча тарбияланувчилар ҳам диққатни бир жойга жамлай олмайди. Болаларча ўйинқароқлик, сабрсизлик... устунлик қилади баъзан. Бироқ мусиқа машғулотларида эса бутун гуруҳ жон-дили билан ишга шўнғийди, жараёндан четда қолган болани учратмайсиз.

Иштиёқ ва шижоат уйғотади

— Мусиқа бола хотирасини мустаҳкамлайди, янги билимларни эгаллашда кўшимча восита сифатида қўлланилганда эса икки ҳисса кўпроқ натижа кўрсатади, — дейди амалиётчи психолог Раъно Раҳимова. — Айниқса, жонли мусиқа остида олиб борилган машғулотларда болаларнинг ўзига ишончи янада ортади. Мусиқа ижобий кўзгатувчи ҳисобланади. Шу боис мактабгача таълим муассасалариданок болаларга нафосат тарбияси берилиб, мусиқани ҳис қилишни ўргатиш орқали завқланиш, гўзаллиқни идрок этиш малакасини шакллантириш мумкин.

Мутахассис фикрларидан кўринадики, жонли мусиқанинг бола ижодкорлигига ижобий таъсири кучли. Мусиқага ошно бўлиб ўсган бола қалбда атроф-муҳитга, одамларга ҳурмат ҳисси юқори бўлиши кўп бор таъкидланган. Боғча боласининг ҳар кунлик тарбиясида мусиқага қанчалик вақт ажратилса, шунчалик фаол бўлиши тажрибада бот-бот кузатилади. Шундай экан, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа мутахассисларига қандай талаблар қўйилади? Жойлардаги кадрлар этишмовчилигини бартараф эттиш бўйича қандай чора-тадбирлар қўйилмоқда? Шу каби саволларга жавоб излаб Юнусобод туманидаги 560-маҳсус мактабгача таълим муассасасида бўлдик. Бу ерда таянч ҳаракат аъзоларида нуқсон бор болалар тарбияланади, улар билан мусиқий тарбия жараёнини олиб бориш мутахассисдан янада чуқур билим ва маҳорат талаб этади. Юрши имкони чекланган тарбияланувчилар билан соддалаштирилган мусиқа асосида машғулот ўтаётган мураббий Маҳфуза Аҳмедова фикрларига қулоқ тутагимиз:

— Маҳсус мактабгача таълим муассасаларида бирор аудио воситадан таралган мусиқадан кўра мутахассиснинг жонли ижродаги куйлари таъсирчанроқ, самаралироқ бўлади. Саломатлигида нуқсон бор болалар билан ишлашда «Қўвнок логоритмика» методи қўлланилганда унумли фойдаланиш ҳам тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади. Машғулотни логоритмик асосда олиб борадиган бўлсак, унда логопед, тарбиячи ҳамда мусиқа мутахассиси тенг иштирок этади. Бола бир вақтнинг ўзида ҳам ақлий фаолият, ҳам жисмоний ҳаракат ва мусиқий руҳ мутаносиблигида маълумотларни ўзлаштиради. Ушбу методиканинг афзаллиги шун-

даки, у кичкинтойларда шижоат, енгил руҳ ва иштиёқ уйғотади. Бу ўринда мутахассис куйларни ҳаракатларга мос ҳолда чала билиши зарур.

Талабга яраша тадорик...

Мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир гуруҳида ҳафтада икки марта, ўқув йили мобайнида эса 72 соат мусиқа машғулоти ўтказилиши режалаштирилган. Белгиланган талаб барча боғчаларда ҳам қўнгилдагидек бажарилаяптими? Келинг, рақамларга назар соламиз. Бугунги кунда юртимиздаги 4962та мактабгача таълим муассасасининг 4788тасида мусиқа мутахассиси фаолият олиб борапти. Айрим чекка ҳудудларда кадр етишмаслиги муаммоси бор. Вилоятлар миқёсида оладиган бўлсак, Самарқандда 539та МТМ бўлиб, уларда атиги 268 нафар мусиқа раҳбарлари ишляпти. Кўринадики, мактабгача таълим муассасаларида мусиқачиларга эҳтиёж катта. Шундай экан, талабга яраша тадорик қўрилаяптими, деган савол билан республикамизда педагог кадрларни тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти саналган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг санъат факультети мусиқий таълим йўналиши декани ўринбосари Дилмурод Бойбобоевга мурожаат этдик.

— Ўтган йили мусиқий таълим йўналишини 71 нафар ўғил-қиз таъминлади. Уларнинг барчаси ишга жойлашди. Ҳозир бошланғич таълим факультетида ҳам мусиқий тарбия назарияси ва методикаси бўйича 164 соатлик курс ўтиляпти. Бу ҳам мутахассислар етишмаслигининг олдини олиш мақсадида амалга оширилётган чора-тадбирлардан саналади. Қолаверса, тўртинчи босқич талабаларимиз Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида фаолият қўриштиради. Вилоятлардаги талабни ҳам ўрганиб борамиз. Талабга қараб кадр етказиб берамиз. Яқинда бу йилги битирувчиларимизни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказишни режалаштирганмиз.

Фикримча, иш берувчилар бўлажак мутахассислар билан уршувлар ўтказиб, муассасада яратилган шарт-шароит ва қулайликлар ҳақида маълумот беришса, талабаларимиз боғчалар борасида кўпроқ тасаввурга эга бўлишарди, — дейди суҳбатдошимиз.

Албатта, болалар билан ишлашнинг ўзига яраша машаққати бор. Таълим жараёни педагогдан катта



Суратда: пойтахтимиздаги 567-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари мусиқа машғулотида.

куч ва салоҳият талаб қилади. Мусиқа ўқитувчиси мутахассислигини олган ёшлар ана шу масъулиятни қўлда ўз елкаларига олгиси келмай, боғча ёки мактабда ишладан кўра бошқа енгилроқ ижодий ишларга ўзини урмаяптимики, деган хаёлга борасан киши. Аммо Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи ўқувчиларининг Чилонзор туманидаги 406- ва 407-МТМдаги амалиётини кузатиб, фикримиз буткул ижобий томонга ўзгарди. Боиси, таълимдан ажралмаган ҳолда боғчада мусиқадан машғулот ўтаётган ўқувчилар 407-МТМ ходими Зуҳра Муҳаммедовадан касб сирларини бажонидил ўрганишга тўғри эди. Коллежнинг мусиқий таълим йўналиши бўлим бошлиғи Адиба Аҳмадҷонова жараён ҳақида тўхталиб, шундай деди:

— Ўқувчиларимиз ҳафтада бир кун педмалиёт ўташи лозим, бироқ уларни ҳар кун дарсдан кейин шу ердан топасиз. Байрам тадбирлари, театрлашган саҳна кўринишлари бевосита уларнинг иштирокида ташкил этилаётди. Табиийки, бундай амалиёт ўқувчиларимизнинг малакали мутахассис бўлиб етишишга хизмат қилади.

Коллежнинг 221-гуруҳ ўқувчиси Нигора Қосимова пианино чалган ҳолда кичкинтойлар билан рақс саналаштирапти. Уни амалиёт раҳбари Ҳожи Холиқова кузатиб, керакли маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатмоқда. Бугундан ўз касбини севиб, болажонларга меҳр бериб ишга киришиб кетган Нигоранинг келажак режалари билан ўртоқлашдик.

— Амалиётга келган дастлабки кунларим болалар билан ишлаш қийиндек туюлганди. Бироқ кичкинтойларнинг шу ёшдаёқ мусиқани ҳис қилиши, куй-қўшиқлардан завқланиши кўриб, ўқини тугатгач, боғчада ишлашни ният қилдим.

Аслида ҳам шундайми?

Мусиқа мутахассислари тажрибали, жонқуяр бўлган муассасаларда байрамлар ҳам шуқуҳли, жонли ўтади. Аксинча, тазуқроқ кадрди йўқ боғчалардаги манзара эса тескариси: турган-битгани шовқиндан иборат «қуй»лар, маънисиз «қўшиқ»лар, беўхшав «рақс»лар... Ачинарлиси, даврадаги меҳмонлар ҳам ўғил-қизларнинг хатти-ҳаракатини олқишлашади. Аммо хаёндан «Ҳали болаку...» деган ўй ўтиб, дил таскин топгандек бўлади. Аслида ҳам шундайми? Йўқ! Боланинг маънавий олами онги билан баб-баравар ривожлана-

ди. У ҳозир эшитаётган мусиқа ва бажараётган ҳаракатлар онг остида йиғилиб бориб, бир кун ҳаётда инъикосини кўрсатмай қолмайди. Холбуки, фарзандларимизга миллий қадриятлар асосида тарбия берилар экан, мусиқий таълимнинг ҳам ўзимизга хос руҳда олиб борилиши лозимлиги Давлат талабларида белгилаб қўйилган.

Пойтахтимиздаги 292-МТМда мактабга таълим овозида тарбияланувчилари Дилором Каримхўжаева раҳбарлигида миллий чолғулар билан танишаётди... Болалар рубоб, дутор, доира, танбур, сато, чанг, ногора, шақилдоқни қизиқиб қўлига олиб, бир-бир чалиб кўрмоқда.

— «Болажон» таянч дастурида кичкинтойларда тўғри нафас олган ҳолда табиий овозда қўшиқ қуйлаш, куй оҳангини ҳис қилиш, овоз созлаш каби малакаларни шакллантириш, миллий мусиқий меросимизга ҳурматни кучайтириш назарда тутилган. Ўқув йили охирида болалар чолғуларнинг номини биладиган, улардан таралаётган куйларни фарқлайдиган бўлишди. Уларнинг барчаси эртага санъаткор бўлмаса-да, куй-қўшиқ сеҳри билан қалбда меҳрмуҳаббат туйғулари кўрт қезди, — дейди Дилором Каримхўжаева.

Чиндан ҳам, ота-оналар орасида фарзанди муассасада ташкил этилган «Ғунча» дастасига аъзо бўлишни истовчилар кўпчилигини ташкил қиларкан.

— Нафақат мусиқа ва рақс, балки жисмоний тарбия машғулотларини ҳам куй-қўшиқ тўртлигида олиб борамиз, — дейди МТМ мудир Зирот Маҳмудова. — Шу боис боғчамизда уч нафар мусиқа мутахассиси доимо кизгин иш ичида бўлади. Умуман, байрамларини сценарийга ижодий ёндашиб, театрлашган ҳолда ўтказамиз. Ўзига хос мусиқий муҳитда улғайган болалар кўзида доимо қувонч порлаб, оламга некбин назар билан боқади.

Педагогик-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактабгача ёшдаги болада мусиқа билан биргаликда сенсор-ҳиссий ривожланиш юз беради. Яъни, бола оҳанглар таъсирида фикрлайди: сокин мусиқага секин тебранади, жўшқин садолар янграسا, ҳаракатлари ҳам жонланади. У ташки таъсирини ҳис қилади ва унга жавоб реакциясини қайтаради. Бу дегани боладаги йирик моторикалар — оёқ-қўлларнинг сезгирлиги, эшитиш қобилияти ошади. Сезимлари яхши ривожланган бола ҳар жиҳатдан баркамоллик сари қадам ташлайди.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

БОЛАНИНГ ОРЗУСИ

Кириш кўнгириги чалиниб, хонага ўқувчи кириб келиши билан зумда синфхона сув куйгандек тинчиди.

— Хўш, яхши дам олдиларингми? Дарсимизни бошлаймизми? — дея устоз сумкаси ва қўлидаги дафтарларни столга қўйиб, ўқувчиларга юзланди.

— Раҳмат, устоз. Бошлаймиз! — деди ўқувчилар бараварига.

— Тунов куни дарсда "Она — буюк зот" мавзусида иншо ёзганингиз ёдингизми? Мен барчасини ўқиб чиқдим, жуда яхши. Онангизни шунчалик яхши кўришингиздан, ҳурмат қилишингиздан хурсанд бўлдим. Лекин Собирнинг иншоиси диққатимни кўпроқ тортиди, — дея устоз нигоҳини учинчи партада ўтирган ўқувчига қаратди. Болалар ҳам ялт этиб у томон ўгирилишди.

Собир аввалига ҳеч нарсани тушунолмаётган ҳовдирди. Кейин хато қилдиммикан, деган ўйда бошини эгиб олди.

— Собир, — деди устоз мулоимлик билан. — Шу иншоини ўзинг ёздирдингми?

— Ҳа, — деди у бошини кўтармай.

— Баракалла! Собир кўнглидагиларни қозғога туширибди, жуда таъсирли чиқибди.

Устознинг бу сўзларидан Собир суюниб кетди. Шу ҳаяжон билан доска олдида туриб, устозни буорганидек баланд овозда иншоини ўқий боладиган тунгиди:

"Мана, устозимиз "Она — буюк зот" мавзусида иншо ёзишимизни

тайинлади. Ойим тўғрисида нима деб ёзсамикан? Менинг ойим ҳаммадан чиройли, меҳрибон десамми? Бувим ҳам жуда меҳрибон-ку! Балки бувимнинг менга кўп эртақлар айтиб берганини, ўзи билан меҳмонга олиб берганини ёзсам-чи? Айтганча, 8 март опамнинг ҳам байрами. Опамнинг эрталаб уйғониб, нонушта тайёрлашини, дарсдан кейин мени уйга олиб кетиб, овқатлантиришини, ойимга ёрдамлашини ёзсам, ўқиб хурсанд бўларди-да. Йўл-е, устоз оналар тўғрисида ёзинглар деди, ойим тўғрисида ёзишим керак.

Ойим шифокор бўлиб ишлайди. Кун бўйи ишласа-да, кечки овқатимизни еганимиздан кейин юз-кўлларимни ювдириб, дарс тайёрлашга. Боғчага қатнаганимда дарс тайёрлашни умуман ўқирмасдим. Машиналаримни ўйнагим келарди. Бир куни ойим менга харфлар ёзилган суратли китоб олиб келди. Унинг расмларини қизиқиб томоша қилардим. Тагида нима деб ёзилганини ойимдан сўрадим. Шунда ойим "Агар суратнинг ёзувини билишини истасанг, ўқини ўрганишинг керак", деб менга харфларни ўргата бошлади. Харфларни танидим-у, лекин уларни кўшиб ўқигим келмасди. Жуда қийин эди-да. Дарс қилиш жонимга тегиб, ўйинга берилардим. Олти ёшимда боғча опам бизга Алишер Навоий, Бобур каби аждодларимиз тўғрисида гапириб берди. Уларнинг буюк сиймолар эканлигини жуда билим-

ли, ақлли одам бўлганини, бошқаларга яхшиликлар қилгани учун хотираларига ҳайкаллар ўрнатилганини айтди. Мен ҳам Алишер Навоийга ўхшашни истайман, дедим ойимга. Ойим бунинг учун кўп ўқишим, яхши одам бўлишим кераклигини таъкидлади. Уша кундан бошлаб астойдил ҳаракат қила бошладим. Мактабга келганимда «Алифбе»ни ўқини билардим. Чунки ойим ҳар куни менга дарс қилдириб, ўқини ўргатарди. Ҳозир ҳам ойим билан дарс қиламан. Ойим ишдан чарчаб келса ҳам, уй вазифаларимни бажартириб, сўнгра дам олади. Катта бўлсам, ойим айтгандай ҳамма ҳавас қиладиган одам бўлишни хоҳлайман. Ушанда ойим жудаям хурсанд бўлади!"

Собир иншоини ўқиб тугатди. Хонадаги сукунат яна бироз давом этди.

— Қани, ўқувчилар, синфдошингизнинг иншоиси сизга ёқдимми?

— Ҳа, ёқди, — деди болалар жонланиб.

— Менга ҳам жуда ёқди. Собир, жойингга ўтир. Бугун иншо дафтарингизни уйингизга бериб юбораман. Ойингизга ўқиб беринг, майлими? Бу сизнинг байрам совгангиз бўлади, — деди устоз дафтарларни ўқувчиларнинг олдига қўйиб чиқаркан.

Собир ҳам иншоини сумкасига солиб қўйди. Бугун кечкурун дарс тайёрлашдан олдин ойисига ўқиб беради.

Хусния ПАРДАЕВА

Онажоним, муносиб, меҳрибоним... Бу таърифу тавсифлар сизга кам! Мақтовларни маромига етказа олмайман. Мен ҳар гал «Сизни кўрганимда ич-ичимдан англаб бўлмайдиган ўзгача бир ҳисни туяман. Ҳар бир инсонда бундай туйғу мавжуд, бироқ ҳаммаликдан меники кучлироқ!

Tuyg'u

МЕНИ ЯШАШГА ЧОРЛАБ ТУРАДИ

Тобим йўқ. Кундан-кунга мадорим кетиб борарди. Безовтагина онам мени шифокор кўригига етаклади. У узоқ текширгач, хозироқ муолажани бошлаш кераклигини, акс ҳолда касаллик зўрайиб кетишини айтди. Онаминг юзи докадек оқариб кетди. "Болам!" дея йиғлашга тушди. Сўнгра шошганча хонадан чиқиб кетди. Зарурий дори-дармонларни етказгач, муолажа бошланди. Кутилмаганда танам янада бўшашиб, нафас етишмаётганини ҳис қилдим. Кўз олдим қоронғулашарди. Онаминг "Докторни чақиринглар!" дея бақираётганини, нима биландир юзимни елпиётганини элас-элас сўздим. Бечора атрофимда гиргитон, зўр бериб ўзимни ўнглашга тиришдим...

Қанчадир вақтдан сўнг аҳолим яхшиланди, серташвиш дамлар ортада қолди. Онам ҳамон олдимдан жилмас. Меҳрибоним кўзларидagi ўша мунгли ҳаяжон қалбимга муҳрланди ва ҳали-ҳануз мени яшашга, ҳаёт учун курашишга чорлаб туради.

Ширинхон МҶМИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

НИЯТЛАРИ УЛУҒ ҚИЗ

Qutlug'
ostona

Саидабону болаликдан китобга меҳр қўйди. Айниқса, саҳналарда шеър айтганда тинловчинини ром этарди. Кейинчалик ўзи ҳам шеърлар ёзиб, онасига, устозларига кўрсатди. Болаларча бегувор, самимий сатрлар эди улар. Ун беш ёшида «Мажнунот» деб номланган биринчи китоби нашрдан чиқди.

Саида чет тилларни ўрганишига ҳам бефарқ қарамади. Инглиз тилини ўрганди. Ҳатто кичик-кичик шеърларни таржима қилди. Кейинроқ немис тили билан шуғулланиб, бемалол сўзлаша оладиган бўлди. Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг тўртликларини немис тилига ўзгартирди.

Ҳозир немис халқ эртақларини ўзбек тилига таржима қилишга бел боғлаган. Ана шу таржима

малар асосида дарсдан ташқари машғулотлар учун немис тилидан намунавий матнлар тўпламини, шунингдек, «Кувноқ инглиз тили» қўлланмасини яратди.

У «Янги авлод», «Энг фаол китобхон», «Энг намунали ижодкор», «Миллий тикланиш юрасининг энг яхши тарғиботчиси» каби танловларнинг турли босқичларида ғолиб бўлиб келмоқда.

— Мен бундай иқтидорли қизалоқнинг келажаси порлоқ бўлишига ишонаман, — дея фикр билдирди «Фридрих Эберт» фондидининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Пьер Тешендорф унга фонднинг «Ташаккурнома»сини тақдим этар экан.

Ҳа, Олтинқул тумани агроиқтисодиёт коллежининг 2-босқич ўқувчиси Саида Абдусаломова каби юксак марраларни кўзлаган ва шунга муносиб ҳаракат қилаётган ёшлар мамлакатимизда кўлаб топилади.

— Ўз олдимга мақсад қўйиб яшашни яхши кўраман, — дейди Саидабону. — Мақсадсиз инсоннинг ҳеч нарасига қизиқиши бўлмайди. Ўқиб-ўрганиб, келажакда адабиётшунос таржимон бўлмоқчиман.

О.СИДДИҚОВ

Гул — киши қалбига қувонч улашувчи мўъжизакор неъмат. У инсон саломатлиги ва руҳийлиги сезиларли таъсир кўрсата олади. Бугунги кунда қайси ташкилот ёки муассасага кирманг, гуллар ранг-баранглиги дилингизни қувонтиради, кўзингизни завққа тўлдирарди. Турли йиғин ва тадбирлар ҳам гуллар билан янада тантанавор ўтади. Гуллар ўз шакли,

са, минерал ўғитлар билан озиклантирилмас, нобуд бўлади, — дейди гулчи Феруза опа.

Сухбатдошимнинг гапларини эшитяпман-у хаёлимда болалик хотираларим уйғонди. Онажоним гулларни жуда хуш кўрарди. Қишда ҳам турли хил хонаки гуллар уйимизни баҳор ва ёздагидек явшатар эди. Келган меҳмонлар онажоним ўстирган гулларга

Tabiat va inson

ҳатликда мароқ билан бажаришарди.

Хонада гул парваришлар саломатлик учун ҳам фойдали. Гуллар хушбўй ифори билан бирга кислород чиқаради. Шундай экан, биз педидагоглар ёшларни гулчиликка ўргатишимиз бу орқали табиатга меҳр уйғотишимиз зарур.

ТҶМ ЭКИЖТ, ТҶЗАММИК ЧЛАМЖИЖТ!

ранги, таровати билан бир-бирдан фарқ қилганидек, уларни ўстиришнинг ҳам турли тартиб-қоидаси бор.

Гул парваришига қадимдан ота-боболаримиз, онаю момоларимиз алоҳида эътибор қаратишган. Бирорта ўзбек хонадонини йўқки, эрта баҳорда ҳовлисида гул экмас. Супа атрофидаги намозшоғмул райхон, жамбиллар чиройи, уларнинг бетакрор ифори киши кайфиятини кўтарарди. Кўпчилик иш кунини дераза тоқчаларидаги гулларга нигоҳ ташлаш, унга сув қуйишдан бошлайди.

— Гуллар билан сухбатлашиш, уларга дардингизни, қувончу ҳасратингизни айтишингиз мумкин. Гулларга алоҳида эътибор, меҳр зарур. Вақти-вақти билан хабар олинмас, таги юмшатишмас, сугорилма-

ҳавас билан қарашар, гуллардан намуна сўрашарди. Онам бирор жойга кетгудек бўлса, бизга биринчи навбатда гулларга қарашни тайинларди. Телефон гўшагида ҳам бу топшириқ тез-тез қайтарилар, ҳатто отамиз ҳам «Онанинг гуллари қаровсиз қолмасин», деб эслатарди.

Мен ҳам онам сингари гул шайдосиман. Ҳозир синфхонамизда 44та гул бор. Уларнинг парваришига навбатчилик белгилаганман. Муҳаббат ва Саодат гулларнинг ўз вақтида парваришланаётганига масъул бўлса, Рустам махсус ўғитлар тайёрлаб келади. Гулларни бошқа тувакларга кўчириш, янги кўчатларни экиш каби ишларни ҳам ўқувчилар баҳамжи-

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги
11-мактаб ўқувчиси



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

www.gglit.uz

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча дилбар аёлларни, опа-сингилларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлаймиз! Ҳаётимизнинг гули бўлган Сиз азизаларга доимо баҳор ифоридек мафтункорлик, узоқ умр, ҳар бир оиланинг бахти бўлишдек шараф тилаймиз!



Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан бахраманд бўлинг!

Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99893) 577-41-81, (+99894) 622-74-41, (+99890) 945-06-06

www.gglit.uz E-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz
Манзилимиз: 100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.

...Ўзбекнинг ўзлиги, ўзак томирлари бор. "Қайси булоқдан сув ичсам экан?" дея тамшаниб яшамайди у. Илдиэларидан япроқларига қават улашиб тургувчи сирли чашмалари бор. У кимга ўхшаши билдири — аждодлари қандай яшасмоғу, нелар учун умрни бахшида этса арзимоғин босган излари-ла исботлаб кетган.

Муносиб яшамоклик сабоғин олмоқ учун пойтахт кўчаларин бир бора кезмоқнинг ўзи кифоя! Мустақиллик майдони томон бурилиб, хотира китобларин варақланг бир бор англайсиз ўчмағай эзгулик асло. Ҳиббон оралаб кетмоқ бўлсангиз, Соҳибқирон пешвоз чиқар оти-ла ва дейди: "Миллатнинг дардларига дармон бўлингиз, Доно бўлинг, оқил бўлинг. Дунёни яшнатар зукко тафаккур!". Миллий боғ оралаб юрар Навоий — шеърят ҳикматин улашиб элга... Улар

сўзин магзин чақмоқлик учун ҳар юрак бўлмоғи керак зиёли!

Сўлим баҳор ўхшаб кетар аёлга. Ўзбекнинг аёли жуда бошқача. Унинг гўзаллигин тимсоли бўлиб Зулфия ўтирар чўмиб хаёлга. Ҳар йили баҳорнинг илк кунларида унинг пойи тўлиб кетар чечакка. Кўклам нафасини унга етказар, издошлари сафи кенгайиб яна. Ҳеч бир эл, ҳеч қайси миллат, мамлакат вафо садоқатни бунчалар суймас. Бир шоира қизин эҳтиромига мукофот белгилаб, ҳайкаллар қўймас! Аслида, "Уларга эргашинг" деган улуг бир дъват бор унинг қатида, "Яхшилар кўпаяр, яхши қиз турса сафларнинг олдида, эр қаватида..."

Маълумки, истиқлол йилларида хотин-

Zulfiyaxonim izdoshlari

қизларимизнинг жамиятдаги мавқеини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1999 йил июнида Президентимизнинг "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилиниб, ўнлаб иқтидор соҳибаларининг кашф этилиши, уларни рағбатлантириш ва улкан мақсадлар сари руҳлантириш каби эзгу ишларга қанот бўлмоқда. Эътироф этмоқ жоизки, Зулфияxonим издошлари кейинги фаолиятлари давомида ушбу юксак мукофотга нечоғлик муносиб эканликларини билим ва заковат, самарали меҳнат, илмий ва амалий изланишлари билан намоён этиб келишмоқда. Биз баҳор ва нафосат байрами арафасида бир гуруҳ ана шундай қизлар билан суҳбатда бўлдик.

"БУ БОҒЛАРГА ХАЗОН КИРМАГАЙ ҲАРГИЗ"



Ёркиной ЭРНАЗАРОВА. Хоразмнинг бу дилбар қизи Давлат мукофотига том маънода муносиб бўлиш, ёшлар-

га ҳукуратимиз томонидан кўрсатилган гамхўрликларга жавобан ўзидаги бор имкониятларни сафарбар этишга астойдил ҳаракат қилди. У 2006 йили Зулфияxonим қизлари қаторидан ўрин олган бўлса, 2009-2010 ўқув йилида, яъни Урганч давлат университетидеда ўқиган кезлари Президент стипендияси соҳиби бўлди. — Айни кунда "Гоявий таҳдидларнинг оммавий маданият кўринишида намоён бўлиш хусусиятлари" мавзусида илмий изланиш олиб бораёпман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ўтказилган ижтимоий сўровнома-лар, кузатиш ва таҳлиллар

ушбу масаланинг айни кунда ниҳоятда долзарб ва нозик эканлигини қайта-қайта исботлаётти. Шунинг ҳисобга олиб, давра суҳбатлари, жонли мулоқотларда оммавий маданиятнинг салбий таъсирлари нималардан иборат эканлигини ёшларнинг онгу шуурига етказишга ҳаракат қилаёпман.

Дарвоқе, Ёркиной ёш олимлар оиласининг бекаси, ўқитувчилар сулоласининг оқила келини ҳам. Турмуш ўртоғи Диёрбек унинг илмий, ижодий ишларига ҳаммиша елкадош. Ўғиллари Бехрузбек ана шундай илик меҳру муҳаббат ардоғида болалик нашидасини сураётир.

Шоҳида ЗОХИДОВА.

Муваффақиятга эришишнинг асосий мезони вақтнинг қадрига етишу, кундалик қатъий режалар асосида иш кўриш эканини баъзан биз катталар ҳам унутиб қўямиз. Лекин келажакда шифокор бўлишни орзу қилиб, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда таҳсил олаётган Шоҳидахон ҳеч қачон вақтини бесамар ўтказмайди. Унингча, "тиббиёт ҳодимининг ўзи, аввало, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиши, керак. Йўқса, беморига ибратли, таъсирли сўз айтиши чора қўллаши қийин... Бунинг учун эса спорт билан ҳамнафас яшамок лозим. Ана шундай қарашни ҳаётий шioriга айлантирган қиз болалигиданоқ спортнинг синхрон сузиш тури билан мунтазам шуғуллана бошлади. Файратли, тиниб-тинчимас Шоҳида 2004 йили Ўзбекистон терма жамоаси аъзолигига қабул қилинди. Ўз устидеда тинимсиз ишлаб кўп қарра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Кейинги йиллар унинг ҳаёт зарваракларини меҳнат ва муваффақиятлар билан беэади, десак муболага бўлмас. 2007 йили Мисрда ўтган халқаро мусобақадан олтин медалини қўлга киритди. 2008 йили Таиланддан олтин ва кумуш медаллар соҳиби, спорт устаси сифатида қувонч билан қайтган бўлса, 2009 йили Япония, Хитой сафарларида йўл олиб, яна кумуш ва бронза медаллари соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси унвони эгасига айланди. Бирин-кетин эшик қоқиб келган сўнгги йиллар унинг Малайзия, Индонезияда бўлиб ўтган баҳсларда совринли ўринларни забт этишига гувоҳ бўлди. Ўзбекистон чемпиони даражасига ҳам эриштирди.

— Спортнинг ортидан хорижий давлатларда бўлдим. Кўплаб дўстлар ортирдим. Улар билан интернет орқали мулоқот қилиб тураимиз, — дейди у. — Мусобақаларга йўл оларканман, ортимда шундай ажойиб юртим, яқинларим ва устозларим тургани менга ўзгача куч-қувват ато этади. Колаверса, ёш бўлишимга қарамай, мени севиб, сийлаб юксак мукофот соҳибига айлантирган халқимиз, Юртбошимиз олдидаги фарзандлик бурчи янада баландроқ марраларни забт этишга йўллаб, қанот бахш этиб туради.

Дилнозахон КАТТАХОНОВА. 2009 йили таълим йўналиши бўйича Зулфияxonим номидаги давлат мукофотини қўлга киритган Дилноза 2010 йили Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультетига ўқишга қабул қилинди. Айтиш мумкинки, талабалик уни жўшқин ва ижодий ҳаёт бағрига бошлаб кирди. У қай ишгаки киришмасин, ота-онасининг фарғонача лутф ила "Қизим, сиз бизнинг фаҳримизсиз" деган гапи қулоғи остида жаранглаб туради ва ўз-ўзига янада талабчанлик билан ёндаша бошлайди. Дилнозахон ана шундай шижоат билан 2010-2011 йиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан "Мингйиллик ривожланиш дастури" бўйича ўтказилган анжуманда, Республика Байналмилал маданият марказида ташкил этилган "Биз бир замин ва замон фарзандларимиз" мавзусидаги илмий-амалий конферен-

цияда фаол иштирок этди. Шунингдек, республикада бўлиб ўтган қатор халқаро тадбирларда таржимонлик қилиб келаяпти. Республикада миз ва хорижий мамлакатларнинг илмий журналларида ўз мақолалари билан иштирок этиб келаятган сергайрат қиз устози Наргиза Алимова раҳбарлигида "Генри Уордсворд Лонгфеллоунинг лирикаси" мавзусида илмий изланиш олиб бораётир.



Наргиза Алимова раҳбарлигида "Генри Уордсворд Лонгфеллоунинг лирикаси" мавзусида илмий изланиш олиб бораётир.

Нодира ДАДАМУХАММЕДОВА.

Эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаётган қизнинг қатор халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, Франция, Руминия, Италия, Эстония сингари ўнлаб хорижий мамлакатлар сахналарида оқишларга сазовор бўлиши мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъатига алоҳида эътибор қаратилаётганининг самарасидир. Айни кунда В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таълим олаётган Нодирахон саккиз ёшида Грецияда бўлиб ўтган халқаро ёш пианиночилар танловида иккинчи, тўқинчи ёшда эса Францияда таш-



кил этилган ана шундай мусиқа байрамида биринчи ўринни эгаллаган эди. Шушу, мусиқа унинг ҳаётига ўзгача жўшқинлик олиб кирди. Дунё сахналарида куйлар ижро этиш баробарида, Ўзбекистоннинг эзгулик, тинчлик ва биродарлик элчиси эканини тараннум этар, олам аҳлини яхши ниётлар ила бирдам ва аҳил яшашга ундарди, гўё. 2010 йили Зулфияxonим номидаги Давлат мукофоти нишонини кўксига таққан Нодира Дадамухаммедова энди масъулияти янада ортганини дил-дилдан ҳис этаркан, нафақат ижодий ишларини давом эттириши, балки "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳара-

катининг Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги "Лидер қизлар" клуби фаол аъзоси сифатида ҳам ташаббус кўрсатишга ҳаракат қилади. Интернет тармоғида ўз веб-саҳифасига эга. Спортнинг сузиш тури билан шуғулланиши эса ҳаммиша бардам ва шижоатли бўлишига хизмат қилаётир.

— 2012 йили Руминияда бўлиб ўтган XVI халқаро ёш пианиночилар танловида иккинчи даражали диплом билан тақдирландим. Саҳнадан тушиб келарканман, турли мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар ўраб олиб, саволларга кўмиб ташлашди. Уларни мамлакатимиздаги юксалишлар, эришган муваффақиятларимизнинг замини қизқитирав эди. Мен эса сержуёш Ватанимизда олиб борилган кенг кўламли ислохотлар хусусида тўлқинлиб сўзлаб берад эканман, ўзбек қизи бўлганимдан жуда-жуда фахрлиб кетдим.

Ҳар баҳорнинг илк кунлари Зулфияxonимнинг издошлари сафи яна ўн тўрт нафарга ортди. Аслида, юзлаб қизлар улар қаторидан ўрин олмоқ учун тақор ва тақор "кўзгу" га боқадилар. Бир кўзгуки, истездошларини чарқлайди, гўзал ва муносиб ҳаёт кечирмоқ фалсафасидан сабоқ беради. Зулфияxonим номидаги Давлат мукофоти ўзбек қизларининг ибрат мактабларини яратаяётгани, ўз-ўзини сарҳисоб этиб, олдинга интилоқ дарслирини бераётгани билан жуда аҳамиятлидир. Шу боис ҳам, шоирамиз ёзганидек, "Бу боғларга хазон кирмагай ҳаргиз".

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ТОЖИК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2013-2014 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар
РЎЙХАТИ**

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати	T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати
1-синф					10	Физика	Н.Турдиев	2013	ижара
1	Алифбе (Алифбо)	М.Лутфуллоев ва б.	2013	беул	11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	ижара
2	Ёзув дафтари	З.Тоҳириён ва б.	2013	беул	12	География	А.Соатов ва б.	2013	ижара
3	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2013	беул	13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
4	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	З.Тоҳириён ва б.	2013	беул	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2013	беул	15	Мусика	С.Бегматов ва б.	2013	ижара
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2013	беул	16	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2013	беул	17	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева	2013	беул	18	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2013	беул	7 - синф				
10	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2013	беул	1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	беул	2	Тоҷик тили (Забони тоҷикӣ)	А.Воҳидов ва б.	2013	ижара
12	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	беул	3	Адабиёт (Адабиёт)	З.Тоҳириён ва б.	2013	ижара
2-синф					4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2012	ижара	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж.Эшонкулов	2012	ижара	7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммадҷонов	2013	ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2012	ижара	9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2012	ижара	10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	ижара	11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2013	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	14	Зоология	О.Мавлонов	2013	ижара
3-синф					15	География	П.Фуломов ва б.	2013	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2012	ижара	17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю.Азимов	2012	ижара	18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	19	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара
5	Математика	С.Бурҳонов ва б.	2012	ижара	20	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2012	ижара	21	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2012	ижара	8-синф				
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	2	Тоҷик тили (Забони тоҷикӣ)	Т.Чориев ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2010	ижара
4-синф					4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2013	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	А.Зоҳидов	2013	ижара	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ҳ.Сабоҳий ва б.	2013	ижара	7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушўкурова ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	М.Алиев ва б.	2013	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2013	ижара	9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2013	ижара	10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2013	ижара	11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара	12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	ижара	13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
10	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	ижара	14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
11	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2013	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
5-синф					16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
2	Тоҷик тили (Забони тоҷикӣ)	Т.Чориев	2011	ижара	18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	Ю.Азимов ва б.	2011	ижара	19	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
4	«Гулистони адаб» (мажмуа), 5-6-синф	А.Қамарзода	2007	кутубхона фонди	20	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
5	Русский язык	О.Қодирова	2011	ижара	21	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара	9-синф				
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара	1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
8	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара	2	Тоҷик тили (Забони тоҷикӣ)	М.Қабиров ва б.	2010	ижара
9	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара	3	Адабиёт (Адабиёт)	Ж.Ҳамроев	2010	ижара
10	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара	4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадахожджаева ва б.	2010	ижара
13	Табиий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2011	ижара	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
14	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
15	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди	9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
16	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
6-синф					11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2010	ижара
2	Тоҷик тили (Забони тоҷикӣ)	М.Қабиров ва б.	2013	ижара	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	С.Саъдиев ва б.	2013	ижара	14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	ижара	16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара	17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикирйев ва б.	2010	ижара
7	Француз тили	З.Абдушўкурова ва б.	2013	ижара	18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	ижара	19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
					21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди

Бугун аёлнинг касб таълими иштиёрлиги, У ўз хоҳишига мувофиқ, давр ва замон талабидан келиб чиқиб ёки аж-додлари анъанасини давом эттириш мақсадида, бирор со-ҳани пухта эгаллайди. Узоқ йиллар танлаган касбда меҳ-нат қилган она-сингилларимиз билан суҳбатлаган киши уларга тасанно айтади. Чунки қайси соҳада фаолият кўрсатишдан қатъи назар, замондош аёлларимизда давр билан бирга қадам ташлаш, жамият ҳаётига ўз соҳаси-нинг қанчалик даражада боғлиқлигини англаш, хизмат ва-зифасига масъулият билан ёндашиш, оиласи фаровонлиги-ни таъминлашга иштиёқлиги фикри шаклланишига амин бўла-ди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси хотин-қиз-лари конференцияси иштирокчиларига йўлаган табрик ха-тида айнан шу жиҳат алоҳида таъкидланган: «Мамлака-тимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга ошириш-да — бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқти-содийтимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими — буларнинг бarchасини мужассам қилиб айтган-да, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан ола-ётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қибсалаб бўлмайдиган ҳис-саси борлигини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эъти-роф этишни зарур деб биламан».

ишим. Шу ҳудудда яшайдиган тиббий ва ижтимоий ёрдам-га муҳтож шахслар ҳолидан хабар олиш ҳам асосий вазифа-ам ҳисобланади. Уларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб боришим, тегишли муолажани кўрсатишим, му-айян даврдаги эмлаш ишла-рини амалга оширишга бош-қош бўлишим керак. Агар фа-вқулдда вазиятлар рўй бе-



ман. Сиёсий партия электора-ти вакилими, истеъмолчимми ёки оддий фуқароми, ҳуқуқла-рини билган кишигина қону-ний манфаатларини ҳимоя қила олишига журналистик ку-затишларим, таҳлилий мақо-лалар тайёрлаш жараёнидаги изланишларим тўғрисида қатъ-ий амин бўлганман.



Ta'zim

лаф билан боғлиқ эҳтиёжлари-ни қондиришга ҳаракат қила-ётган давлат ва тижорат бан-клари бир-бирига боғлиқ бўлган кўплаб ўзига хос опе-рацияларни амалга ошири-шади. 7 киши меҳнат қилаёт-ган бўлимимизда мижозлар-га кредит, лизинг, факторинг хизмати кўрсатилади. Прези-дентимизнинг банк муассаса-лари хизматини такомиллаш-тириш, мижозлар манфаати-ни ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча фармойиш ва қарорлари, амалдаги идора-вий ҳужжатлар, мавжуд тар-тиб-қоидалар асосида иши-мизни ташкил этиб келаяп-миз. Филиалимизда корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳам кўплаб турдаги банк хиз-матларини кўрсатамиз.



ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Замира Холмуродова, Тошкент шаҳридаги 72-умумтаълим мактаби ди-ректорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбоса-ри:



— Таълим соҳасида ишла-ётган биз — аёллар зиммаси-да катта ва масъулиятли ва-зифалар турибди. Ижро ин-тизомини мустаҳкамлаш, мак-таб ички муҳитини яхшилаш, билимлар беллашувини таш-кил этиш, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танло-вига номзодларни саралаш жараёнига одилона ёндашиш, педагогларни аттестациядан ўтказиш каби бугунги куннинг долзарб масалалари билан бандмиз.

Раҳбар ўринбосари ҳам мактабда соғлом муҳит яра-тиш, ишга тўғонақ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга ҳамisha масъул бў-лиши керак. Мактабимизда 350

ҲАР СОҲАДА ЎЗ ЎРНИ БОР

нафар ўқувчи ўқийди. Ҳар шанба кунини дарс қолдирган ёки суст ўзлаштирган бола-ларнинг ота-оналарини так-лиф қилиб, юзма-юз бўламиз. Уларга фарзандининг хато-камчилигини кўрсатиб, туза-тиш юзасидан педагогик мас-лаҳат беришимиз керак. Уму-ман олганда, биз аёлларнинг таълим соҳасида меҳнат қилиши ҳар жиҳатдан мақса-дга мувофиқдир. Чунки болани дунёга келтирувчи, борлиқ ва ҳаёт ҳақидаги илк тасавурла-рини шакллантирувчи, оқ-қорани танитиб, яхшиликдан сабоқ берувчи ҳам аёл зоти эмасми? Шу боис педагогика соҳасида ишлаб, элга нафис тегаётгани менга ҳамisha мамнулик бахш этади.

риб қолса, беморнинг яқин-лари зудлик билан кўнгирок қилишади. Дарҳол этиб бо-риб, биринчи «тез тиббий» ёрдамни кўрсатаман.

Шифокор беморга, аввало, сўзи билан наҳот бағишлай-ди. Агар унинг аҳолида яхши томонга ўнгланиш бўлса, ши-фокордан бахтли инсонни топа олмайсиз дунёда. Мен шундай касб эгалари қатори-да меҳнат қилаётганим билан фахрланаман.

МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» газе-та-сининг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий тар-ғиб бўлими мудири, «Олтин қалам» миллий муко-фоти совриндори:

— Турмуш даражамиз, эзу-ният-мақсадларимизнинг амалга ошиши, муаммолар-нинг ҳал бўлиши, энг аввало, ҳуқуқий маданиятимизнинг қай даражада шаклланишига боғлиқлик десам адашмай-

Давр шиддаткор, вақт худ-ди оқар дарёдек шошқин. Кунлар биздан ҳисоб сўрай-ди: «Бугун нима қилдинг?». Халққа ҳаққоний ахборотни тайёрлаб етказишнинг талаб-лари кун сайин чуқурлашаёт-ганини биз журналистлар ҳар лаҳзада сезиб турибмиз. Гло-баллашув жараёнида журна-лист чуқур таҳлилга асослан-ган, давлат ва жамият манфа-атларига мос, муштарийлар аудиториясини қизиқтирувчи мақолалари билангина эъти-бор қозона олади. Zero, ҳар бир ижодкорда бирор мавзу-ни ўрганишга қиришишдан олдин бу билан қандай нати-жага эришиш мумкин, деган саволга қатъий жавоби бўли-ши керак.

ИҚТИСОДИЁТ

Гулнора Салманова, «Ипотекабанк»нинг Меҳнат филиали иқтисодиёт тар-моқларини кредитлаш ва қурилишни молиялаш бўлими бошлиғи:

— Банк мижоз учун хизмат қилади. Унинг манфаатлари-ни ҳамisha устун қўйган, маб-

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Муқаддам Избаева, Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиника-нинг ўқувчи амалиёт ши-фокори:

— Ҳар кунини иккинчи уйим — поликлиникага шошаман. Қабулимга кирган беморлар-нинг дардини тинглаш, улар-га малҳам бўлиш кундалик

8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni ДИПДА МЕҲР БЎЛСА...

Термиздаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида информатика ва ахборот технологияларидан сабоқ бериб келаётган Шоира Бўронова ёш педагоглардан.

Мазкур коллежда молия, биржа агенти, банк иши ва ҳўжалик-ҳуқуқий фаолият каби йўналишларда таҳсил олаётган 1440 нафар йигит-қизнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид билим-кўникмаларини мустаҳкамлашда ёш педагог Ш.Бўронованинг ҳам ҳиссаси бор. У ҳар бир амалий-назарий машғулотга пухта тайёр-гарлик асосида, катта масъулият ва меҳр билан ёндашади. У раҳ-барлик қиладиган «Ёш информатиклар» тўғрарагида ўқувчилар ком-пьютер сирларини янада пухтароқ ўрганмоқда.

Суратда: Шоира Бўронова ўқувчилар Акбар Тоғаймуродов, Шаҳзода Камолова, Шодия Нажмиддинова билан.



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Хулқар ТҲЙМАНОВА, «Ma'rifat» муҳбири

Эхтиёж инсониятни доим ривожланишига ундайди. Буни рўзгор учун амалга ошириладиган савдо ишларида ҳам кўриш мумкин. Айтилик, бозорлар шаклланишига қадар инсонлар ўзро маҳсулот алмашиши кўлда кўтариб, шаҳарма-шаҳар кезиб бажарар, бу улар учун ҳар томонлама оғир кечган: вақт кўп кетар, меҳнат кучи ортиқча сарфланарди. Кейинчалик бозорлар ташкил этилиб, савдо тартиби жорий этилган, муаммо бироз бўлса ҳам ўз ечимини топгандек бўлди. Бироқ бозорларда маҳсулотларнинг тартибсиз жойлаштирилиши, айрим маҳсулотлар сифатининг тезда бузилиши, харид қилинган буюмларни кўтариб юришдаги нокулайликлар бозорда тим, равоқ ва чорсулар фаолиятининг йўлга қўйилишига туртки бўлди.

Йиллар ўтиб бу ҳам ўз кадрини йўқотди, жамиятнинг жадал суръатларида ривожланиши савдо ишларига ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Савдога фақат эркалар эмас, аёллар ҳам аралаша бошлади. Бу амалда кичик-кичик савдо дўконларининг очилиши орқали вужудга кела бошлади. Рўзгордаги савдо-сотик ишларини аксарият ҳолларда аёллар ўз зиммасига олди. Замоनावий савдо тармоқлари — супермаркетларнинг асосий харидорлари ҳам аёллар бўлиб қолди.

Супермаркет инглиз тилида «нуфузли бозор» маъносини англатиб, озик-овқат маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари (совундан тортиб идиш-товоғу хонаки гулларгача), автомобиль эхтиёт қисмлари, ўйинчоқлар, косметика воситалари сотиладиган йирик жой тушунилади. Уларда баъзан миқозларнинг талабига кўра турли хизматлар ҳам кўрсатилади.

Супермаркетларнинг илк кўриниши Американинг Иллинойс штатидаги Геррин шаҳрида яшовчи тадбиркор Каллен томонидан 1930 йили эски гараж ичида очилган бўлиб, унда баққолик моллари сотилган. Супермаркет хўжайини харидорларга қулайлик яратиш мақсадида автомобиллар учун бепул тўхташ жойи ташкил этган. Бу ишбилармонлиги эвасизга кейинчалик ўз фаолиятини янада кенгайтиради ва икки йил ичида штатнинг ўзида супермаркетлар сонини 8 тага етказиб, тўплаган пулларини савдонинг ривожлантиришига йўналтиради. Натижада тадбиркор йилига 6 млн. доллар фойда кўради.

Маблағ топшининг ушбу янги усули бошқаларнинг ҳам шу соҳа билан шуғулланишларига катта таъсир ўтказди. Бироз вақт ўтиб, 1937 йили Оклахома штатида Сильван Голдманнинг замоनावий типдаги (ўша давр учун хос) супермаркетлари иш бошлади. Унда маҳсулотларни ташвиш учун махсус металл аравачалар ва саватчалар мавжуд эди. Биргина кичик қулайлик ҳам унинг тезда савдоси юришиб кетиши учун кифоя бўлди. Харидорлар юк кўтариб юришга эриниб (харидорларнинг аксарияти аёллар) унинг супермаркетлари сари ошқар эди.

70-йиллар атрофида супермаркетларнинг савдо майдони катталиги 2800 кв.м.га етди ва у ерда 8000 турдаги товар сотиладиган бўлди. Бугунги кундаги замоनावий супермаркетларда эса 25000 турдаги маҳсулотлар бор ва уларга ҳар йили 8000га яқин янги турдаги маҳсулотлар қўшилади. Шунга мувофиқ, супермаркетларнинг техник имкониятлари ҳам ўзгартирилди.

до-сотикнинг юқори суръатларда ўсишига, супермаркетлар майдонининг янада кенгайишига сабаб бўлди. Тадбиркорлар супермаркетлари 5000 кв.м.га кенгайтириш баробарида, озик-овқат ва ичимликларнинг турини янада кўпайтиришди.

Муддати ўтган товарларнинг пештахталардан олиб ташланиши, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг доимий

ЗАМОНАВИЙ САВДО ТАРМОҚЛАРИ

улар эришаётган муваффақият омили нимада?



1950-йилларда озик-овқат маҳсулотлари бироз камайиб, супермаркет пештахталари косметика, гигиена воситалари билан тўлди. Кейинроқ эса хўжалик асбоб-ускуналари, жиҳозлар, граммофон пластинкалари, табрик отриткалари ва ҳатто минг турдаги кичик маҳсулотлар ҳам сотила бошлади. Супермаркетлар энг аввало нархларнинг пасайтириб маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатади. Одамларни жалб этиш мақсадида бозорларда ва черков, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда реклама ва эълонлар илиб қўйишди. Савдонинг янги усулига ўрганган харидорларда деярли барча маҳсулот, товарларни шу ердан сотиб олиш мумкин, деган фикр пайдо бўлади. Бу эса кейинчалик супермаркетларда кийим-кечакларнинг ҳам сотилишига замин яратди.

Супермаркетларга қўйилган муҳим талаблардан бири, бу — харидорларни ҳайратга соладиган маҳсулот ва товарларни топши заруратидир. Негаки, шу орқали улар эътиборини кўпроқ жалб этиш ва кучли рақобатда ўз ўрнини топиш имкони мавжуд эди.

Эътибор қаратсак, ўтган асрнинг 50-йиллари охирида АҚШда супермаркетларнинг умумий ҳажми 2000 кв.м бўлиб, унда 6000га яқин маҳсулот тури сотилган. Ушбу кўрсаткич йиллар ўтиб янада кенгайди, 60—



Уларга кондиционерлар, автоматлаштирилган кириш-чиқиш эшиклари, товарларни касса аппарати томон элтувчи лентали мосламалар ўрнатилди. Айниқса, харидорларнинг беамал айланиши учун юриш йўлаклари, юқори қаватга чиқиб-тушиш қурilmаларининг ўрнатилиши ҳам тадбиркорларнинг фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Янги қадоқлаш материалларининг пайдо бўлиши сабзавот ва суг маҳсулотлари бўлимида ўз-ўзига хизмат кўрсатишда муҳим янгилик бўлиб, харидорлар маҳсулотни танлашда бирмунча қулайликларга эга бўлди. Музлаткичларнинг кашф этилиши билан эса тез айнидиган маҳсулотлар сақланиш муддати узайтирилди, уларнинг тури ва сифати анча ошди ва харидорларга асл ҳолича етказиб бериш имконини пайдо қилди. Шунингдек, нон ва нон маҳсулотлари шу ернинг ўзида пиширилиши йўлга қўйилди.

Супермаркетларда овқатланиш жойлари ҳам ташкил этилди. Энг сўнгги янгиликлар замоनावий техникаларнинг кириб келиши билан амалга оширилди. Ҳисоб-китоб ишлари компьютерларга юкланди. Улар меҳнат унумдорлигини ошириб, сотувчиларнинг ҳисоб-китобдан адашганини камайтирди, савдо тармогининг ички харажатларини қисқартирди.

Бу каби қулайликлар сав-



музлаткичларда бўлишни таъминлаш ва уларни харидорнинг талабига мувофиқ тақдим этиш супермаркетлар муваффақиятини белгиловчи энг асосий омиллардан бири саналди.

Мутахассислар АҚШда «Bradlees», «Caldor», «X-Mart», «Ray Rodgers», «Rich's», «Sears», «X-Penny» ва «Wal-Mart» сингари супермаркетларнинг замоनावий савдо тизимида ўз ўрнини топишида айнан хизмат кўрсатишда янги тартиб-қоидалар ва қулайликларга таянганини муваффақият гарови сифатида кўрсатишди.

Бугунга келиб супермаркетларнинг халқаро, федерал ва ҳудудий тармоқлари мавжуд бўлиб, маълум бир тизимда фаолият олиб боради.

Айни пайтда «гипермаркет» атамаси ҳам истеъмолгарга кириб келди. Гипермаркетлар асосан ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган, озик-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар сотиладиган, умумий майдони 5000 кв.мдан зиёд ҳажмдаги йирик савдо жойи ҳисобланади.

Бугунги кунда кенг турдаги маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи Дискаунтер марказлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. «Дискаунтер» инглиз тилида «чегирма қилмок» маъносини билдиради. Унинг афзаллиги шундаки, харидорларни кенг жалб этиш ва доимий миқозга айлантириш мақса-

Bilasizmi?

дида тез-тез фоизли чегирилган ўтказиб турилади. Шу орқали маҳсулотнинг таннархи арзонлаштирилиб, товар эскириб кетишининг олди олинади.

Яқинда савдо-саноат компаниялари мутахассислари томонидан дунёда йирик супермаркетларни йиллик пул айланмаси, бошқа давлатлардаги филиалларидан тушадиган даромад ва фаолиятининг кенгайиши борасида статистик маълумотлар эълон қилинди. Унга кўра жажондаги энг йирик супермаркет сифатида АҚШдаги «Wal-Mart» этироф этилди. Айни дамда «Wal-Mart»нинг мамлакат бўйлаб 16та филиали аҳолига хизмат кўрсатади. 2010 йил натижаларига кўра, унинг товар айланмаси 419 млрд долларни ташкил этди. Таъкидлаш кераки, мазкур супермаркетнинг бу даражада тараққий этишида аёллар кийим-кечаклари, косметика ва парфюмерия маҳсулотларининг кенг сотилиши энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Иккинчи ўринни Франциянинг «Carrefour» фирмаси эгаллади. Унинг йиллик савдо айланмаси 120 млрд долларни ташкил этиб, 33та йирик дўкон одамларнинг оғирини энгил қилади. Супермаркетлар тизимини ривожлантириш борасида Буюк Британиянинг «Tesco», Германиянинг «Metro AG», Япониянинг «Seven & i Holdings Co. Ltd» фирмалари фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, замоनावий савдо марказларининг асосий харидорлари аёллар ҳисобланади. Шунинг учун аксарият сотувчилар аёллар боп маҳсулотлар сотишни кенг йўлга қўяди. Аёлларнинг, гарчи эхтиёж сезилмасе-да, дўконларни айланиши, товарларни синчиклаб кўздан кечириши, сифати ва нархига аҳамият бериши савдо-сотикдаги фалонлики таъминламоқда.

Тадқиқотларда келтирилишича, аёллар дўконга дугонаси билан ташриф буюрса буюмлар томошаси учун ўртача 18 дақиқаю 15 сония, фарзанди билан ёки ёлғиз келса 7 дақиқа 19 сония вақт сарфлар экан. Қизиқарли томони, бу вақтнинг асосий қисми косметика ва тақинчоқлар бўлимида айланишига кетаркан.

Бироқ, шуни таъкидлаш кераки, аёллар қанчалик янги буюмларга ўч бўлишмасин, улар оила бюджетини иқтисод қилишда эркаларга нисбатан анчагина устамон экан. Маҳсулот танлашда улар камдан-кам янглишади, бу уларнинг талабчанлиги ва синчковлигидан далolat.

«Ma'rifat» мухбири Олим ЖУМАОБЕВ тайёрлади.

ЖАМОАВИЙ ТАЪҚИБНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Бировни кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш, таъқиб остига олиш фақат ўша шахсгагина эмас, балки барчага таъсир этар экан. Рочестер университетининг (Буюк Британия) Ричард Райан бошчилигидаги бир гуруҳ психологлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шундай хулосага қелишга сабаб бўлган.

Олимлар тажрибада қатнашувчиларни уч гуруҳга бўлган ҳолда уларга коптокни бир-бирига улоқтирувчи компьютер ўйинини ўйнашни таклиф қилишган. Дастлабки гуруҳ аъзоларидан ўйин иштирокчиларидан бири эътиборсиз қолдириш, иккинчи гуруҳдагилардан эса барча бирдек муносабатда бўлиш сўралган. Учинчи гуруҳ аъзоларига эса қайси ўйинчи ўзига маъқул келса, фақатгина шу иштирокчига коптокни бериш вазифаси топширилди.

Изланувчиларнинг "Psychological Science" нашрда эълон қилишича, яқинда биринчи гуруҳнинг барча аъзоларида кайфият мутлақо ёмон томонга ўзгариб, уларнинг рухий ҳолати издан чиққан.

Шундан сўнг психологлар гуруҳ аъзоларининг рухий ҳолатларини ҳам ўзаро таққослашди. Маълум бўлишича, рухий йўқотишлар ҳар бир гуруҳ аъзосида бир-бирига ўхшаш: эътиборсиз қолдирилган ҳам, таъқиб қилганлар ҳам бирдек изтироб ва кечинмалар исканжасида қолган. Жумладан, жабрланувчи шахсда аччиқланиш ва нафратланиш кузатишган бўлса, уни таъқиб остига олганларда айбдорлик, умумий тушкунлик қайд этилган.

МУЛЬТИВИТАМИНЛАР КАЙФИЯТНИ КЎТАРАДИ

Сунибёрн технология университети (Австралия) олимлари мультивитаминларни қабул қилиш кайфиятни кўтариб, ҳаётий фаолликни оширади, деган хулосага келди.

Тадқиқот иши "Swisse Vitamins Pty" компанияси томонидан молиялаштирилиб, унда 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган 114 нафар эркак ва аёл иштирок этган. Уларнинг ярми тетиклаштирувчи мультивитаминлар қабул қилган, қолганларига эса плацебо (сохта) витаминлари тарқатилган. Ташкилотчилар ҳам, тадқиқотчилар ҳам иштирокчиларнинг қайси гуруҳга мансуб эканликларини билишмаган. Даволаши курси тўрт ой давом этганидан сўнг, иштирокчилар ўртасида сўронома ўтказилиб, уларнинг кайфияти, рухий ҳолатини аниқлашга хизмат қилувчи турли саволлар берилган.

Жавоблар текширилганича, мультивитаминлар қабул қилганлар плацебо берилганларга нисбатан ўзларини олдингидан кўра анча тетик ва ғайратли хис этаётганини, кайфияти ҳам яхшиланганини таъкидлашган. Бундан ташқари, витаминли



даволаш курсидан сўнг уларнинг уйқуси ҳам маромига тушган. Тадқиқот натижалари "Nutrition Journal" нашрида эълон қилинди.

ЭВКАЛИПТЛАРНИНГ ГЕНЕТИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Австралия миллий университети олимлари йнгирма уч йил муқаддам аниқланган эвкалипт дархотида яширинган сирни очишга муваффақ бўлишди. 1990 йили Янги Жанубий Уэльсда қарийб тўлиқ ҳашаротлар билан қопланган, аммо биргина шохи улардан холи бўлган эвкалипт дархоти аниқланган эди.

Маълум бўлишича, эвкалиптларда зараркундаларга қарши ўзига хос ўткир ҳидли ҳимоя воситалари ишлаб чиқариш хусусияти мавжуд. Biroq бу хусусият дархот шохлари ва баргларида турлича тақсимланган.

Аманда Подаван бошчилигидаги олимларнинг "BMC Plant Biology" журналида эълон қилинган маълумотларига кўра, бу ҳодисага ўшбу дархотдаги генетик хилма-хиллик сабаб бўлган. Таъкидлашича, эвкалиптни турли шохларидаги алоҳида генлар ҳимоя вазифасини бажарувчи ўткир ҳидли моддаларни ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Мазкур жиҳат ҳашаротларнинг шохларда турлича жойлашувига олиб келган. Эвкалиптларнинг генлар ёрдамида бундай моддаларни ишлаб чиқариши зараркундалар билан тўла баргларида фотосинтез жараёнининг мунтазам давом этиши ва доимо ям-яшил бўлиб туришида муҳим аҳамиятга эга экан.

"SONY"ДАН ЯНГИ СМАРТФОН

Full HD форматдаги сенсорли экранга эга янги "Xperia S670X" смартфонни ўзининг бир қатор афзалликлари, қулайликлари билан бошқаларидан фарқ қилади. Янги мобил телефони 4 ядрелик "Qualcomm Snapdragon 600" процессорига эга бўлиб, унинг "Android 4.2 Jelly Bean" операцион тизими асосида ишлаши кўзда тутилмоқда.

Оператив хотираси 2 гигабайт бўлган қурилма 32 гигабайтлик флеш-хотира билан ҳам таъминланган. Экран диагонали 4,8 дюймин ташкил этади. Смартфон "Exmor RS" сенсорли 13 мегапикселлик фотокамера билан ҳам жиҳозланган.

Ушбу уяли алоқа воситасини жаҳон бозорларида жорий йилнинг ёзида учратиш мумкинлиги таъкидланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2012 йилда дунё миқёсида 472,1 миллион донна мобил телефонлари ва смартфонлар сотилган. "Sony" компанияси томонидан эса йил давомида 7,95 миллион донна смартфонлар ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда компания жаҳон бозоридидаги 1,7 фоиз улушга эгалик қилиб, етакчи ишлаб чиқарувчилар орасида 10-ўринни эгаллаб турибди.

С.СИРОЖИДИНОВА
ва С.РУСТАМОВ тайёрлади



JUMLADA JAHON

Америка Қўшма Штатларининг шимолий ҳудудларининг кучли қор бўронлари остида қолиши оқибатида қарийб барча давлат ва хусусий ташкилотлар вақтинча фаолиятини тўхтатган, 2000дан зиёд авиарейслар бекор қилинган, Виржиния штатида эса февралда ҳолат эълон қилинган.

«France-Presse» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Тайваннинг Хуалянь шаҳридан 36 километр узоқликда рихтер шкаласи бўйича 5,6 баллик зилзила қайд этилган, таллафотлар ва жароҳатланганлар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот тарқатилгани йўқ.

Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатидаги Данлап шаҳрида жойлашган ҳайвонот боғида Кус-Кус лақабли Африка шери 26 ёшли хизматчи аёлга ҳамла қилиб унинг ҳаётига зомин бўлган.

От гўшти билан боғлиқ можаролар юзага келганидан сўнг Франциядаги ярим тайёр гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Fraisnog» компаниясининг савдо ҳажми 70 фоиз камайиб кетди ва бу ташкилот фаолиятининг тўхтатилишига олиб келди.

Океанда вужудга келган улкан тўлқин Мексиканиннг Кабо-Сан-Лукас курорт масканида сайр қилиб юрган 65 ёшли хорижлик сайёҳнинг умрига зомин бўлган, унинг 70 ёшли ҳамроҳи эса оғир аҳволда касалхонага олиб келинган.

reklama * e'lonlar reklama e'lonlar reklama e'lonlar reklama e'lonlar

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг автотранспорт соҳасида шаҳарлараро ва халқаро ташиш фаолиятини лицензиялаш эксперт комиссиясининг 2013 йилнинг 5 мартдаги 357-сонли баённомаси билан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ қуйидаги лицензиатларнинг лицензия варақаларининг амал қилиш муддатини 2013 йилнинг 12 мартидан 10 (ўн) иш кунига тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилди:

«TOLI-ZAFAR» масъулияти чекланган жамиятига тегишли йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини берувчи Форд-транзит русумли 95E205BA давлат рақамли микроавтобусга берилган, АТ серияли № 1138541 рақамли;

«Опел-Транс» масъулияти чекланган жамиятига тегишли йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини берувчи ГАЗ 322132 русумли 90N935CA давлат рақамли микроавтобусга берилган, АТ серияли № 1208034 рақамли.

«Sarhad Trans Gaz» масъулияти чекланган жамиятига юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқини берувчи АТ серияли №0026517 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатиш ҳақида қарор қабул қилди.

ОНАЖОН

*Умр — дайди шамол, йўллар ўзгарди,
Бир киприк қоққунча шиллар ўзгарди,
Туйғулар торққилаб диллар ўзгарди,
Вале пок қалбингиз ўзгармас ҳамон,
Яхшиям, дунёда сиз бор, онажон!*

*Сизмасму ёлвориб айлаб Ҳаққа дод,
Жонидан жисмимга бахш этган ҳаёт,
Ўзи катта бўлиб қолибди қай зот?!
Пойингизда бошим — бўлсам-да осмон,
Яхшиям, дунёда сиз бор, онажон!*

*Ким опичлаб Ҳажга элтар пийёда,
Ким ётқи онадан билар зиёда...
Ҳар неки — ҳисоби қайтар дунёда,
Қайтсин яхшиликлар айлиниб замон,
Яхшиям, бахтимга сиз бор, онажон!*

*Эй дўстлар! Ранжитиб синаманг сабрин,
Сўнг йўқотиб дурдан тикламанг қабрин...
Онасиздан сўранг онашиг қабрин,
Фано гузорида омонат, меҳмон,
Яхшиям, дунёда сиз бор, онажон!*

*Мол-дунё босолмас она ўрнини,
Она — шод тинч кўрса қизу ўғлини,
Бир ширин сўз айтиб олинг кўнглини...
Бугун йўқланг — эрта бўласин армон,
Яхшиям, дунёда сиз бор, онажон!*

Зоҳиджон ОЛОВ

Иқтисодиёт соҳаси бўйича мутахассис бўлмасам-да, баъзи терминларга тишим ўтади. Эшитинг! Одамнинг қундалик эҳтиёжлари ҳақида сўз кетганда бирламчи эҳтиёжлар ва иккиламчи эҳтиёжлар деган тушунчалар ишлатилади. Мутахассислар тили билан айтганда, одамнинг энг зарур эҳтиёжлари бирламчи эҳтиёжлар сирасига қиради. Иккиламчилари эса уларсиз ҳам қун ўтадиган эҳтиёжлардир.

«ЭСЛАГАНИНГ УЧУН РАҲМАТ!..»

Шу ўринда бир савол: аёлнинг бирламчи эҳтиёжларига нималар қиради?

«Қимматбахо кўйлак, тилла тақинчоқ, ялтироқ сумка...».

Тўхтанг-тўхтанг. Ахир булар иккиламчи эҳтиёжлар-ку. Энг зарурларини бир ҳаёлга келтиришга уриниб кўринг.

«Пул, соғлиқ, кўнглихотиржамлик...».

Ҳа, энди булар вужудда юраги уриб турган ҳар бир киши учун зарур нарсалар. Аёлга-чи? Бу савол балки беаънидир. Балки, жавоби йўқ бир бошқотирма. Балки, бунга юз одам юз хил жавоб берар. Шу «беаъни» саволимга жавоб олиш учун энг яхши устоз, бебаҳо ҳазина — ҳаётга юзланаман!

...Эрининг ўртоқлари телефон қилиб навбатдаги улфатчиликка таклиф қилишди. У жуда чарчагани боис боришни истамди. «Хотиним билан телевизор кўрмоқчиман», деди-ю, бошқа баҳоналар тўқишга ҳафсаласи етмай трубкани қўйиб қўйди. Бу бир баҳона эди.

Охири пайтлари илиқ сўзга муҳтож бўлиб қолган аёлнинг кўнгли ёришди: «Хотиним билан телевизор

кўрмоқчиман». Ҳа, у шундай деди. Майли, телевизорни бирга ўтириб кўрмаса ҳам, ҳамроҳликка таклиф этмаса ҳам, у шундай деди. Шуниси ҳам ҳам шукр. Ҳар қуни қаёққадир кетаётганию қачон келишини айтиш у ёқда турсин, дилдан гаплашишга вақт тополмайдиган эри бугунги улфатчиликдан кўра жуфти ҳалоли билан бирга телевизор кўришни маъқул кўрди.

Эҳ, аёл, аёл! Эринг шунчаки айтган гапдан қалбинг олам-олам ҳаяжонга тўлади, яна янги-янги режалар тузасан, ширин орзуларга бериласан, ҳаётга муҳаббат кўзи билан қарай бошлайсан. «Эрим аслида яхши инсон», дея унга меҳр билан зимдан тикиласан. Шу бир оғиз сўз қанчалик жонга малҳам бўлмаса... шунчаки айтилса-да, аёл кўнглини тоғлардан-да юксакка кўтармаса...

Яқин дугонани тугилган қуни билан табриклар, SMS жўнатдим. Икки оғиз табрикдан бошқа нима ҳам совга беролардик биз — олисдаги одамлар. Хуллас, кечга яқин ундан дардли жумлалар келди: «Дугонажон, сен энг яхшисан. Сени жуда соғиндим. Эслаганинг учун раҳмат!». Нима қилибди шунга, деяётгандирсиз? Бу

ортиқ совга бўлмаса керак. Тушлик ва кечки овқатни ҳам ўғлим билан бирга тайёрлаймиз. Ўша қуни онаси маликага, биз эса унинг хизмати-га бел боғлаган содик мулозимларга айланамиз.

Крохил Саловат, Бухоро шаҳридаги 32-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси:

— Баҳор келиши билан сурат чизиб, шеър ёзиш, қўшиқ ёд олиш мен учун энг сеvimли магулотга айланади. Совгаларимни тарбиячи опаларим — Ойша Ҳошимова, Дилдора Садиоровага улашаман, чехрасидаги табассумни кўриб, бениҳоя мамнун бўламан. Улар бизни худди ўз фарзандларидек яхши кўришди.

Мен учун ҳақиқий она бу — жонажон Ўзбекистон! Ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишим учун шу азиз Ватанда шарт-шароит яратилди. Келажақда катта ютуқларга эришиб, она юртимга туҳфа қилишни ният қилиб қўйганман.

...Ҳа, аёлларимиз учун байрамга атаб ҳар ким ҳар хил совга ҳозирлайди. Аслида, аёл кишига ортиқча нарсанинг кераги йўқ, озгина эътибор, меҳр-муҳаббат, самимий тилакнинг ўзи кифоя. Келинг, оналаримизга, опа-сингилларимизга, ҳамкасбларимизга, тенгурларимизга ҳар лаҳзада шундай совга инъом этиб турайлик.

Жўрабек ЖАНГИРОВ

Izhor

гаплар замирида бир олам маъно бор, билсангиз. Турмуш қурганига уч йилдан ошган бу дугонан меҳрга, муҳаббатга, бир чимдим эътиборга зор. Ана шу хижат кўнглини хира қилмаса эди...

Қишлоқдан келиноним тўрт ойлик жияним билан келишди. Чақалқоннинг муаттар хиди — яшашнинг бекиёс неъмат. Жияним — келинонимнинг илк фарзанди, кўзининг оқу қарор Боланинг сал мазаси бўлмаса, оннинг кўзига дунё кўринмас экан.

Бир қуни келинонимга ёрдамлашмоқчи бўлдим. «Сиз пича дам олинг, жияним уйғонса, кўзини ухлатиб қўяман», деган одам бир соатга қолмай ухлаб қолибман. Бир турсам, тун яриллаб қолибди. Кўзимни эри-нибгина очаман: ёш она ўз нури-дасига алла айтиб, ухлатапти. Менинча, шу манзарадан эҳтиёжроғи, жоизбалироғи, самимийси бўлмаса керак. Онанинг содиқлиги, саботлиги, меҳрлиги ҳеч нарсага тенг эмас. Чақалқоқ кечаси неча марта уйғонади, йиғлайди — ҳисобини билмайман. Лекин шуни биламанки, она ҳеч қачон уйқудан кечиб алла айтганга, оқ сутини берганига оғринмайди. Ҳа, дейман, ўзимга ўзим. Мени ҳам онам шундай захматлар ила катта қилган, одам қилган...

Мақола аввалидаги саволга жавоб шу: аёлларга яқинларининг меҳри, ишончи, эътибори ва фарзанд дийдори, оила тинчлигидан ҳам устун келадиган бирламчи эҳтиёж йўқ! Бу — менинг қарашим. Сиз жавобга қийналасизми? Узоққа эмас, ўз оилангизга разм солинг. Атрофни кузатинг. Зора, нозик хилқатнинг мингдан бир хилқатини оча олсангиз, кўнгли истакларини эшита олсангиз...

Соҳиба МУЛЛАЕВА

АЁЛГА ҲАМД

Аёл муқаддас, мўътабар зот. Муштилари онажонларимиз, дилбар опаларимиз, латофатли сингилларимиз ила ҳаётимиз завқли, сурурли. Уларни баҳор фаслига зеб берувчи атиргул-у лолаларга қийсламан. Гўзал аёлларимиз бугунги кунда ҳар жабҳада фаол. Бугун юртимизда биз аёлларга кўрсатилаётган ғам-хўрлик янада фаолликка, интилуш изланишга ундаётгани ҳеч кимга сир эмас. Оила бекаси бўлиш билан бирга муаллима, шифокор, тикувчи-ю тўкувчиликда ҳам моҳирдилар. Улар ўз меҳнатлари билан обрў топишмоқда. Аёл деганда, энг аввало тинимсиз меҳнатлардан сўнг тунни тонгга улаб алла айтгучи меҳрибон она кўз олдимизда гавдаланади. Онажонларимиз дунё тургунча омон бўлсинлар. Яна бир шарафли касб соҳибалари борки уларни онага тенглаштирамиз. Булар оналар билан баҳамжихат ёш авлодни келажагимиз эгалари этиб тарбиялаётган муаллимлардир. Уларнинг машаққатли ва шарафли фаолиятларида доим зафарлар ёр бўлаверсин. Бугун юртимизнинг барча аёлларига тасаннолар айтиб, уларнинг чехраларидан ҳеч қачон табассум аримасин, деб қолаимиз.

**Мунира ҲОМИДОВА,
Касби туманидаги
17-мактаб директорининг
ўқув ишлари бўйича
ўринбосари**

мактаб сари одимлайдилар. Қизлар ҳар қачонгидан ҳам гўзал. Чунки баҳор уларнинг байрами билан бошланади. Ҳўш, муҳтарама аёлларимиз, опа-сингилларимиз учун энг яхши совга нима?

Исроил Холиқов, Тошкент шаҳридаги 133-умумтаълим мактаби-

Ойбек Шербоев, Тошкент кимё-технология институти талабаси:

— Сурхондарёликман, оилада тўрт ўғилмиз, онамга акаларим совга беришлари аниқ. Гарчанд онамдан йирқода бўлсам ҳам, байрам арасида «совга»ми «SMS» орқали йўллаيمان. Энг самимий тилак-

ЭНГ ЯХШИ СОВГА

ташвишлари туфайли оқ оралаган, қўллари қадоқ, ёшига нисбатан анча катта кўринади. Эгнида оддийгина кўйлак.

Болакай телевизордаги манзарага, аёлларнинг нима қилаётганига тушунмай онаси-дан сўради:

— Бу қизлар нима қилишяпти?

— Ўзимнинг соддагина болажоним-эй, булар кийимларини кўз-кўз қилишяпти. Қарагин, либослари жуда чиройли эканми?

Болакайнинг кўзларида ажабланиш, савол:

— Сиз уларнинг ҳаммасидан ҳам чиройлисиз!

Она беихтиёр боласини баргига босди.

Аслида, ширингина битта калом она учун энг азиз совга.

Бодом гуллаб, ўриклар шохда ҳисобсиз бодроклар потираб очила бошлади. Эркаклар онасига, рафикасига, опа-сингиллари ва қизларига совга кўтариб кетаётган бўлса, жажжи болажонлар устозларини қутлаш учун узун-калта бўлиб, гулдаста билан

нинг география фани ўқитувчиси:

— Эсимда, 4-5-синфларда ўқийганимда онамдан пул олиб, ўзларига совга тайёрлардим. Онаминг мамнун бўлганини кўриш мен учун ҳам ҳақиқий байрамга айланарди. Илк машоимини олган куним 7 мартга тўғри келган. Бус-бутунлигича онаминг кўлига тутқаздим, у киши кўзларида ёш билан «Шундай кунларга етказганига шукр», дея мени узоқ дуо қилди.

ларимни битаман. Кейин эса телефонда ярим дийдорлашамиз. Онаминг соғинч ҳиссига тўла овозини, дуоларини эшитганимдан хурсанд бўламан.

Ўлмас Бозоров, иқтисодчи:

— Байрам қуни эр талабки нонушани тайёрлаш, барча уй юмушларини удаллаш каминани камтарининг зиммасида. Турмуш ўртоғимга ҳозирлаб қўйган совғамни бераман. Бешга тўлган ўғлимиз оналарга бағишланган шеърини айтади. Менимча, аёл учун бундан



Халқаро хотин-қизлар байрами арасида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари тарқатилди. Бу, ўз навбатида, юртимизда миллат давомчилари — қизларимизнинг ҳар томонлама баркамол улгайиши

Prezident sovg'asi

этиб, қизларни қизгин муборакбод эттишди.

— Мен Андижон шаҳридаги 21-мактабда ташкил этилган бадий гимнастика тўғраги мураббийиман, — дейди биз билан суҳбатда Мохигул Тиллаева. — Бу ерда

ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

учун қилинаётган эзгу ишларнинг бир кўринишидир.

Андижон олимпия захиралари спорт коллежида ана шундай қувончли тадбир ўтказилди. Унда вилоят марказидаги муассасаларда спорт билан мунтазам шуғулланаётган 500 нафар қизларга Юртбoshимиз совғалари тантанали равишда топширилди. Тадбирда вилоят ҳокимилиги, хотин-қизлар кўмитаси, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши вакиллари, шунингдек, таниқли устоз-мураббийлар, спортчилар, ота-оналар иштирок

6—16 ёшгача бўлган 15 нафар шогирдимга спортнинг энг нозик турларидан бири — бадий гимнастика сирларини ўргатиб келмоқдаман. Асосийси, қизларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, чиройига чирой кўшилмоқда. Бугун шогирдларим ушбу муҳташам спорт иншоотида илк бор совға олишди. Юртбoshимизнинг ишончи ва хайрихоҳлиги ифодаси бўлган спорт кийимларини олган қизлар бундай юксак эътиборни катта спорт сари йўлланма сифатида қабул қилишмоқда.

Орифжон СИДДИКОВ
Андижон вилояти

ФОЛИБЛАР БИЛАН ТАНИШИНИГ

Пойтахтимизда 12 ва 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича республика чемпионати ниҳоясига етди. Швейцарча тизимда 9 турдан иборат бўлган бу йилги баҳслар ҳам ҳар галгидек қизгин курашларга бой тарзда кечди. 67 нафар ёш шахматчилар иштирок этган ўн икки ёшгача ўғил болалар баҳсида тошкентлик Шамсиддин Воҳидов 7,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Шу ёшдаги қизлар ўртасида эса чемпионлик самарқандлик истеъдодли шахматчи Дие́ра Шарифовага насиб этди. 12 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги республика чемпионатида бу йил мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 49 нафар ёш шахматчилар иштирок этди.

18 ёшгача ўсмирлар ўртасида сурхондарёлик Бобур Сатторов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қизлар ўртасида эса навоийлик истеъдодли шахматчи Мохинур Қахрамонова саккиз галаба ва бир дуранг билан Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Чемпионат совриндорлари билан танишинг:

- 12 ёшгача ўғил болалар**
1. Шамсиддин Воҳидов (Тошкент).
 2. Саидқабар Сайдалиев (Тошкент).
 3. Фотиҳ Абдухолиқов (Тошкент).

- 12 ёшгача қизлар**
1. Дие́ра Шарифова (Самарқанд).
 2. Раъно Абдухолиқова (Сурхондарё).
 3. Асал Салимова (Тошкент).

18 ёшгача ўсмирлар

1. Бобур Сатторов (Сурхондарё).
2. Шаварш Бадалян (Тошкент).
3. Алихон Гусейнов (Самарқанд).

18 ёшгача қизлар

1. Мохинур Қахрамонова (Навоий).
2. Шаҳноза Турсунова (Самарқанд).
3. Гулруҳбегим Тохиржонова (Фарғона).

Суратда: Ўзбекистон чемпиони Дие́ра Шарифова. В.ГРАНКИН олган сурат.

Мамлакатимизда қизлар спортини ривожлантиришга берилётган юксак эътибор натижасида сўнги йилларда юзлаб иқтидорли спортчи қизлар авлоди етишиб чиқмоқда. Бунда Президентимиз томонидан яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, қад ростилаётган муҳташам спорт иншоотларининг ўрни беқиёс. Бугун аксарият қизларимиз бадий гимнастиканинг нозик сирларини ўзлаштираётган бўлса, яна айримлари теннис, стол тенниси, шахмат сингари кўплаб спорт турларини ўрганапти.

ЗУЛХУМОРНИНГ ОМАД ТУМОРИ ҳавас, иштиёқ, меҳнат ва зафардир

Мураккаб спорт турларидан бири ҳисобланган Шарқ аккурашларини ўрганишга киришган ва бу борада мўайяя ютуқларни ҳам кўлга киритаётган қизларимиз талайгина. 33та олтин, 14та кумуш ва 7та бронза медалини кўлга киритган Зулхумор Бобоева ҳам юртимизнинг ана шундай юрагида ўти бор фарзандларидан.

У айна пайтда спорт сирларини ўрганиш, мусобақаларда иштирок этиб, ўз салоҳиятини кўрсатиш билан бирга, Тошкент шаҳрида жойлашган И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали қошидаги ихтисослаштирилган академик лицейда таҳсил олмақда.

Халқимизда, бола ибратни оиласидан олади, деган нақл бор. Спортчилар хонадониде туғилган Зулхуморнинг отаси — Баҳодир Бобоев Ўзбекистон шотокан каратэ ассоциацияси Тошкент вилояти терма жамоаси мураббийи бўлса, спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланган 4 нафар опаси ҳам бир неча марта Ўзбекистон чемпиони бўлган. Оиладаги муҳит таъсирида З.Бобоева меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, қатъийлигини ўрганди. Ай-

ниқса, медаллар шодаси билан уйга кириб келган опаларига ҳавас қилган Зулхумор 6 ёшиданок спорт залига қадам қўйди.

Иштиёқ ва кунт инсонни сабрли бўлишга ўргатади. Қизалоқ айнан шу омиллар сабаблими, қисқа фурсат ичида тенгдошларини орта қолдирди. Зулхумор меҳнат қилишни, ўз устиде ишлашни ўрганди. Эҳ-ҳей, опаларига етиб олиш учун ҳали қанча ҳаракат, қанча медаллар жамғариши керак?! Қизининг интилишларини кузатиб юрган отаси унга астойдил устозлик қила бошлади. У шу зайл шотокан каратэ билан жиддий шуғуллана бошлади.

Зулхумор машгулотларда иродали бўлиш муҳимлигини биларди. Спортчининг дастлабки рақиби — кийинчиликлар қаршисида таслим бўлмади. Энг асосийси, меҳнатлари бесамар кетмади. 2007 йили унинг учун муваффақият сари йўл очилди гўё. Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида, Руминияда ўтган Европа очиқ чемпионатида совриндор бўлди. 2008 йили эса Осиё чемпионатида 1-ўринни, 2009 йили Японияда кечган жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллади.

— Ёш спортчининг салоҳияти юзага чиқиши учун ундаги иқтидор ва ҳаракатнинг ўзи камлик қилади, назаримда, — дейди Зулхумор Бобоева. — Бунда оила аъзоларинингизнинг кўллаб-қувватлаши, ва албатта, мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилётган ғамхўрлик ва эътибор ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу сўзларнинг нақадар тўғри эканига ўзим ва тенгдошларим мисолида кўп бор амин бўлаяпман. Мени кувонтирадиган жиҳатлардан бири шундаки, бугун ўзбек қизлари спорт билан шуғулланиб, ҳам ўз саломатлигини мустаҳкамляпти, ҳам юрт шаънини халқаро майдонларда химоя қилаяпти. Ахир бир спортсевар қиз учун бундан ортик бахт борми?!

Зулхумор қатъиятлилиги, тинимсиз машгулотлари эвазига шохсупаларга кўтариле бошлади. 2010 йили Туркияда жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда сайёримизнинг 33 мамлакатидан катнашган юзлаб спортчи қизлар орасида айнан ўзбек қизининг олтин медалга сазовор бўлишини ўшанда ким куттиб, ким кутмаганди. Шу йилнинг октябрь ойида эса Грецияда бўлиб ўтган жаҳон кубоги баҳсларида ҳам 1-ўрини эгаллади. Зулхумор спорт билан бирга Ангрэн шаҳридаги 2-умумтаълим мактабиде ўқиб чет тиллари, информатика фанларини пухта ўзлаштирди, шунингдек, тикиш-бичиш сирларини ҳам ўрганиб борди.

Ёш спортчи Зулхумор интилишлари, эришяётган ютуқлари эвазига 2011



Qizlar sporti

йили Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ деб топилди.

Бу юрт тупроғида униб-ўсаётган қизларнинг қонида Тўмарису Барчинойларнинг, Нодирабегиму Увайсийларнинг қони оқмоқда. Шундай экан, бугунги глобаллашув даврида «оммавий маданият»га қарши курашишда, қизларимизнинг ўзбекона ибод-ҳаёси, ифқатини химоя қилишда спорт энг ишончли омил экани ҳеч кимга сир эмас. Чунки, спорт — тарбиячи, спорт — шифокор, спорт — ёшлик ва гўзаллик тимсоли.

Дилроз АБРАЕВА, "Ma'rifat" муҳбири

Муҳтарама устозлар, азиз опа-сингиллар!

Барчангизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни билан чин бидан қутлаймиз. Ёш авлоднинг яхши таълим-тарбия олиб вояга етиши йўлидаги машаққатли хизматларингизни доимо қадрлаймиз. Шарафли касбнинг машаққатларини сабот билан ениб, фидойилик билан бизга бераётган сабоқларингиз ибрат.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз. Баҳорий кайфият ҳеч қачон тарк этмасин.

Эҳтиром ила Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалари.

Хурматли Марат ИСОҚОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз ҳамда қутлуг 60 ёшлингиз билан чин дилдан табриқлаймиз.

Фаолиятингизнинг салкам 40 йилини ёшлар тарбиясига бағишлаган фидойи устоз сифатида, Жиззах шаҳридаги 5-умумтаълим мактабиде раҳбарлик фаолиятингиздаги хизматларингизни алоҳида эътироф этамиз.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, баркамол авлод тарбияси йўлидаги меҳнатингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан ҳамкасбларингиз ва шогирдларингиз.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдоларига ўзгартириш киритиш тўғрисида эълон

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2013 йил 27 февралдаги "Ma'rifat" газетасининг 17 (8562)-сониде берилган эълонда "Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг **ИККИ** фоизидан кам бўлмаган зақалат суммаси" деб қайд этилган жумла "Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг **бир** фоизидан кам бўлмаган зақалат сумма" деб ўқилсин.

2013 йил 6 мартдаги "Ma'rifat" газетасининг 19 (8564)-сониде берилган эълонда "6-синф" деб қайд этилган жумла "4-синф" деб ўқилсин.



«SHARQ» NAHRIYOT-MATBA'A AKTSIYADORLIK KOMPANIYASI



**Муҳтарама оналар, муниса опа-сингиллар!
Барчангизни баҳорнинг илк шодиёнаси —
8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами
билан самимий муборакбод этамиз!**




ХУРМАТЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР, ЎҚУВЧИЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори, шунингдек, 2011 йил 25 мартда ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёнида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва унинг таркибидagi китобсавдо тармоқлари билан ҳамкорликда 4 номдаги дарсликлар нашрга тайёрлаиб, эркин савдога чиқарилди.

Айни кунларда «Meнvat ta'limi» (2-, 3-, 5-синфлар), «Tasviriy san'at» (5-синф) дарсликлари «SHARQ» компанияси тасарруфидаги «SHARQ ZIYOKORI» китоблар марказининг марказий дўкони ҳамда вилоятлардаги филиалларида сотилмоқда.

Дарсликлар танлов асосида яратилган бўлиб, мавжуд ўқув дастурлари ҳамда амалдаги давлат таълим стандартларига мос равишда chop этилган. Ушбу дарсликлар мамлакатимизда ёш авлодни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўргатувчи муҳим манба бўла олади.



Мурожаат учун телефонлар:

(+99 895) 177-2014

(+99 871) 233-3590

(+99 871) 233-5872

web sayt: www.sharq.uz

www.nafisbezak.uz

Нашриёт



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150, Г-318.

Tiraj 65148.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib basish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Ma'mur AXLIDINOV,
Lilya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Sanjar RUSTAMOV.

Navbatchi:
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Yza akuni — 21.55
Topshirildi — 22.45